

Бизнинг муқаддас
вазифамиз — Ватан шону
шухрати, қудрати ва
салоҳиятининг юксалиши
учун ўзимизнинг фидойи
меҳнатимиз билан
муносиб ҳисса қўшишдир.

Ислом КАРИМОВ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941—1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 69 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 600 000 (олти юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан бир-

галикда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадий академия, Хотинқизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 18 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокамасига ва шу йил 17 январда республика Ҳукуматининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президент Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устуворликларини амалга оширишни баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини, бунинг учун энг аввало инвестиция иқлими ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш, ишлаб чиқаришларни технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига мавжуд захиралар ва имкониятларни сафарбар қилишни таъминлайдиган иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизациялашнинг қабул қилинган стратегиясини амалга ошириш ишларининг натижалари ҳар

томонлама кўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди. Шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини янада ошириш масалалари мажлис иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишида муаммолар ва хавф-хатар мавжудлигига қарамай, 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устуворликларини изчил ва мақсадга йўналтирилган тарзда амалга ошириш туғайли Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялашни янада чуқурлаштириш таъминланаётганлиги қайд этилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга ўсди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга, хизматлар кўрсатиш 11,8 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция да-

ражаси прогноз параметрлардан ошмади.

Саноат тармоқларини ривожлантириш устуворликларини амалга ошириш, шунингдек, ички талабни мувоzanатли рағбатлантириш ва ички бозорни рақобатбардошли маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлар билан янада тўлиқроқ тўлдириш чоратадбирлари истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажми 9,1 фоизга кўпайишига кўмаклашди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида истеъмол маҳсулотлари улуши 2013 йилнинг биринчи чорагидаги 29,5 фоиз ўрнига 34,4 фоизга кўпайди.

Жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол ўсиб келаётган авлодни вояга етказиш бўйича «Соғлом бола йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни фаол амалга ошириш бошланди. Ушбу тадбирларни молиялаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобига қарийб 1 триллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

(Давоми 2-бетда.)

ТААССУРОТГА АСОСЛАНГАН ХУЛОСАЛАР

Ўқувчилар бирин-кетин такрор қилмаслик шартининг инглиз тилидаги сўзлар-ни таржимаси билан айтишга киришдилар. Муаллимдан тортиб, дарсни кузатишга кирган журналистлар ҳам санок қаерда тугашига қизиқиб, диққат қилиб туришарди. Ахир, давлат таълим стандартига кўра 1-синфни тугатган ўқувчилар 100—150та сўзни ёддан билишлари керак. 14 нафар ўқувчи давраси бир айланди, кейин икки (28 та сўз), сўнгра уч (42 та) ...



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 260-мактабда ташкил этилган очик дарслар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотганидан уларнинг аксарияти беихтиёр жараёнга киришиб кетди. Бири ўқитувчини саволга тутса, бошқаси 1-синф ўқувчисини сўхбатта тартади.

— Инглиз тилини ўрганишигизда, уй вазифаларни бажаришингизда сенга ким ёрдам берапти?

— Менинг дадам инглиз тилини биладилар, бирга дарс қиламиз, — дейди 1-«В» синф ўқувчиси Диёрбек Равшанбеков. — Телевизордаги инглиз тили дарсларини кузатиб, мультфильм қаҳрамонлари билан бирга янги сўзларни такрорлайман. Мактабда синфдошларим билан ўрганганларимизни машқ қиламиз.

(Давоми 4-бетда.)

КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИ БОЛАДА У ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

Бу ишни, аввало, оиладан бошлаш керак. Шахсий намуна кўрсатган ҳолда болага китобни ўзимиз ўқиб берсак, у бажонидил тинглайди. Китоб ичида яна нималар борлиги ҳақида ўйлайди...

5-бет

БОЛАНГИЗ БОТИР БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

унда болаликда
орттирилган қўрқувни
бартараф этишни
педагогик-психологик
усулларидан хабардор
бўлинг!

8—9-бетлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мажлисининг кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида "бизнес билан шугуллан" тамойили бўйича ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга йўналтирилган амалий чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишга, ушбу мақсадларда иқтисодий тarmoқлари ва соҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни жадаллаштиришга, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш қўламларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Ишбилармонлик муҳитини янада ахшилаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар фақат жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 7,3 мингта янги субъектларини ташкил этишга қўмаклашганлиги қайд этилди. Ҳисоботларни алоқанинг электрон йўллари бўйича топширишнинг юзмага-юз алоқасиз шакллари фаол жорий этиш натижасида бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботларининг 95 фоизини, статистика ҳисоботларининг 88,6 фоизини электрон шаклда топширмакда. Божхона юк декларацияларининг 95 фоизга яқини электрон усулда расмийлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган Фармонида назарда тутилган қўшимча дастурий чора-тадбирларни амалда бажариш, шу жумладан, янги имтиёзлар ва преференцияларнинг кенг доираси, ҳар хил лицензия ва рухсат берувчи тартиб-тамоийилларнинг мuddатларини тубдан қисқартириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнесни юритиш, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш борасида навбатдаги муҳим босқич бўлиши алоҳида таъкидланди.

Шу муносабат билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражадаги ҳўкимликлар раҳбарлари олдида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-қоидаларни янада такомиллаштириш бўйича мамлакат Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сон Қарори талаблари сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир аниқ вазифалар қўйилди. Лицензия ва рухсат бериш тартиб-тамоийилларининг электрон шаклларида ўтишни жадаллаштириш, шунингдек, уларнинг сонини ва ҳўужатларни бериш мuddатларини қисқартириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида иқтисодий тarmoқлари ва соҳаларида ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технология жиҳатдан янгиланишни жадаллаштириш, шунингдек, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича "йўл хариталари"ни амалга ошириш юзасидан протокол топшириқлари бажарилишининг

ҳўлати пухта таҳлил қилинди. Кўрилатган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳўжми 12,4 фоизга ўсди. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар таркибидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 23,3 фоизгача кўпайди. 510 та янги объект фойдаланишга топширилди, 37 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. Инвестиция фаолигининг ўсиши қурилиш-пудрат ишлари ҳўжмлари 15,5 фоизга кўпайишига қўмаклашди.

Ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликлари раҳбарларида янги юкори технология ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган қувватларни модернизациялаш ва технология жиҳатдан янгиланиш, шунингдек, объектларни белгиланган мuddатларда ишга тушириш бўйича инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлайдиган комплекс қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига фойдаланилаётган ер участкалари ва ишлаб чиқариш майдонларида янги замонавий корхоналар ташкил этиш ва тадбиркорлик субъектларига бериш учун уларни пухта хатловдан ўтказишни таъминлаш топширилди. Шу билан бирга, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган "йўл хариталари"ни амалга ошириш устидан таъсирчан назоратни таъминлаш топширилди.

Мажлисида маҳсулот экспорти ҳўжмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, тузилмасини ва сотиш бозорларини диверсификациялаш бўйича кўрилатган чора-тадбирларнинг натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга қаттиқ эътибор берилди. Жаҳон бозорларида конъюнктура барқарор эмаслигига қарамай, маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва ташқи сотиш бозорларини диверсификациялаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида экспорт ҳўжмлари 8,4 фоизга ўсишини таъминлаганлиги алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, мажлис қатнашчилари олдида маҳсулотлар экспорти турлари ва ҳўжмларини кенгайтириш, ташқи бозорларда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун комплекс амалий чора-тадбирлар кўриш вазифаси қўйилди.

Мажлисида инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишнинг жадал ривожлантириш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойларни сифатли ва ўз вақтида қуришни таъминлаш дастурлари бажарилиши ҳўр томонлама ва чўкур таҳлил қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи

автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 63,5 миллард сўмлик ишлар бажарилди. Замонавий технологиялар бўйича кенг полосали 150 километр тола-оптик тarmoқлар ётқизилди.

Мажлис қатнашчиларининг эътибори жорий йилда қишлоқ турар жой массивларида намунавий лойиҳалар бўйича 11 мингта янги шинам уйлари қуриш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, ушбу массивларда ижтимоий ва бозор инфратузилмасининг замонавий объектларини қуриш ишларини жадаллаштириш зарурлигига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликларига республика минтақаларида иқтисодий тarmoқлари ва соҳаларида қурилиш ишларининг ўсиб бораётган ҳўжмларини ҳисобга олган ҳўлда 2014 йилда замонавий қурилиш техникаси билан жиҳозланган 20 та қўли ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларини ташкил этиш учун зарур чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, шунингдек, қишлоқ аҳолисидаги тебиий хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича ҳўдудий дастурларнинг бажарилиш ҳўлатини ҳўр томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган 2014 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури доирасида жорий йилнинг бoshдан бoshлаб 227,9 мингта янги иш ўринлари, улардан 137 мингтаси ёки 60,3 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилганлиги қайд этилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш мabойинида тасдиқланган мақсадли параметрларга мувофиқ янги иш ўринларини ташкил этиш ва ҳисобга олиш ишларини ташкил этишда камчиликларга йўл қўйган бир қанча туманлар ва шаҳарлар раҳбарларининг фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Барча даражалардаги ҳўкимликлар, ҳўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари олдида янги иш ўринлари ташкил этиш параметрларига эришишни сўзсиз таъминлаш, шунингдек, касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳўкимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳўкумати мажлиси кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўтган ўқув йилидан бoshлаб юртимизнинг барча умумтаълим мактабларида 1-синфдан бoshлаб чет тилларни ўқитиш йўлга қўйилди. Янги ўқув йилидан эса 2-синфлар ҳам янги дарслик-мажмуалар билан таъминланиб, хорижий тилни ўрганишга киришади. Таълим муассасаларининг кадрларга бўлган эътиёжини қондириш мақсадида 2013-2014 ўқув йилида 1464 нафар олий маълумотли ёш педагог умумтаълим мактабларига чет тили ўқитувчиси сифатида қабул қилинди.

ҲАР БИР БИТИРУВЧИ ЭЪТИБОРДА

Жорий йилда республикаимизнинг ҳар бир ҳўдудидидаги чет тили ўқитувчиларига бўлган эътиёж ўрниб чиқилди. Ўз ўрнида олий ўқув юр்தларининг хорижий филология йўналишини таъминлаётган битирувчилар ҳам вилоятлар ва туманлар кесимида сарҳисоб қилинди. Ҳозирги пайтда уларни мактабларга ишга жалб этиш мақсадида уч томонлама шартномалар тузилаяпти. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ҳам самарқандлик битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Самарқанд вилоятидаги ҳар бир туман ХТМФМТТЭ бўлими вакиллари ушбу даргоҳда таълим олаётган битирувчилар билан сўхбатлашиб, шартномалар имзоладилар.

— Аввалига вилоятимиздаги ҳар битта туман ва мактабнинг чет тили ўқитувчиларига бўлган эътиёжини ўрганиб чиқдик. Шунга кўра таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти битирувчилари билан шартнома туздик. ЎзДЖТдаги 92 нафар бакалавр ҳамда 2 нафар магистр битирувчининг ҳам мактабларимизга жалб этаёғимиз, — дейди Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси масъул ходими Насиба Шарипова.

Ярмаркада иш берувчилар талабларини яратилган имкониятлар ва келгусидаги режалар билан таништирилди. Битирувчилар ҳам ўзларини қизқитириган саволларга батафсил жавоб олишди.

А.НОРҚУЛОВ

ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Республика "Баркамол авлод" болалар техник ижодиёт марказида "Мактабдан ташқари таълим сифатини оширишнинг замонавий шакллари" мавзусида ўқув семинар бўлиб ўтди. Тадбирда ҳар бир ҳўдудда мавжуд ижодиёт марказларидидаги муаммоларга ечим излаш, услубчи ва тўғрақ раҳбарларни методик жиҳатдан таъминлаш, болалар қамровини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш хусусида фикр юритилди. Семинар иштирокчилари "Ўлкашунослик ва экология", "Бадий ижодиёт", "Техник ижодиёт" шўъбаларига бўлиниб, "Ўқувчиларнинг лавозини ва иш ҳўжжатларини юритиш тартиби", "Тўғрақ раҳбар фаолиятини ривожлантиришнинг самарали усуллари", "Болалар қамрови ва машғулотлар сифатини ошириш", "Тўғрақ журналларини юритиш", машғулот жадалларини шакллантириш" каби мавзулар юзасидан фикр алмашишди.

— Техник ижодиёт марказимиз томонидан "Истиқбол ёнгалари" фестивали ташкил этилди ва унда ижодкор ўқувчилар рағбатлантирилди, ижод маҳсуллари сотуви йўлга қўйилди. Ундан тушган маблаг эса марказнинг моддий-техник базасини таъминлашга йўналтирилади. Фестиваль орқали иқтидорли ўқувчиларни руҳлантириш, ота-оналарни кенг жалб қилишга эришилган ҳам келажақдаги ютуқларимизга замин бўлади, — дейди Навоий вилоят вакили Мақсуда Ҳамроева.

Маҳбуба КАРИМОВА

ЎЗА

2014-yil 19-aprel, № 32 (8681)

Бутун бир авлоднинг таълими, демакки, келажаги сизнинг хатти-ҳаракатларингиз, кузатишларингиз ҳамда чиқарган хулосаларингизга боғлиқ бўлса, жузъий хатонгиз келгусида ўқувчилар билимидаги улкан бўшлиқларга сабаб бўлиши ёки, аксинча, кичик ютуғингиз муваффақиятлар манбаига айланиши мумкин. Ана шундай масъулият ҳисси билан яшаган киши ўз вазифасига диққат-эътибор билан ёндашиши, миллат тақдирига дахлдорлик туйғуси билан жонкуярлик қилиши турган гап.

Жорий йилнинг 13 январидан 20 мартга қадар республикаимизнинг турли ҳудудларида 2-синфлар учун чет тилидан янги дарслик мажмуаларини тажриба-синовдан ўтказган 270 нафар экспериментатор-ўқитувчи бу масъулиятнинг залворини юракдан туйдилар. Уларга 145 нафар методист, 153 нафар илмий раҳбар бириктирилиб, методик жиҳатдан мунтазам ёрдам кўрсатиб турдилар. Тажриба-синов Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларида белгиланган 131та мактаб ва 4та ихтисослаштирилган мактаб, жами 135та таълим муассасасида олиб борилди.

Бу жараёнда нафақат таълим тизими ходимлари, балки маҳалла-қўй, ота-оналар ҳам фаол иштирок этишди. Чунончи, улар бу борада тажрибага эга бўлиб, танланган синф ўқувчилари ва экспериментатор-ўқитувчиларнинг аксарияти ўтган йили 1-синфлар учун чет тилидан янги дарслик мажмуаларини синовдан ўтказишганди. Айниқса, 1-синф ўқувчиларининг ота-оналари учун алоҳида қўлланма яратилгани кенг жамоатчиликнинг қизиқишини янада оширганди. 2-синфларнинг дарслик мажмуаларида ҳам ота-оналарга алоҳида бўлим ажратилган. Мухими, уларнинг ҳам хорижий тилдан билимлари ошиб, экспериментатор-ўқитувчилар билан фикрларини ўртоқлашиб бордилар.

Барча ҳудудлардаги якуний хулосалар Республика таълим марказида вилоятлар кесимида сарҳисоб қилинди.

Компьютер, проектор каби зарурий ускуналар билан жиҳозланган шинам синфхоналар бизнинг энг асосий кўмакчимиз бўлди, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Азиза Отахонова. — Таъкилий ишларнинг тўғри йўлга қўйилгани, ўқитувчи учун методик қўлланма, иш дафтери, мультимедиа иловасининг ўз вақтида етказиб берилгани иш унуми ва самарадорлигини янада оширди. Улар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисисиз мукамаллик касб

этмайди. Қолаверса, методистлар ва илмий раҳбарлар тажриба-синов жараёнидан доимий бохабар бўлиб, саволларимизга ўз вақтида ойдинлик киритиб, ёрдамларини аямадилар.

Ўзим ҳам ўқувчиларнинг чет тилини ўзлаштиришдаги психологик ҳолатини

синфда ижро этиш улар учун жуда ҳам мароқли эди. Бу тарзда ўтилган дарс ўқувчиларнинг эсида узоқ вақт қолиши билан аҳамиятлидир. Мультимедиа иловасидаги айрим сўзлар талаффузидаги хатоликларни камчилик сифатида айтиш мумкин. «Unit 2»даги 4-машқда «Give got two grand dads» мавзусидаги анимация ўрнига бошқаси берилган.

Икки ҳафтада бир марта жараёни муҳокама қилиб, таклифларни умумлаштириб бордик. Ўқитувчи учун методик қўлланмада мавзулар бўйича технологиялар, методлар тўғри танланган, тавсия қилинган қўшиқ, шеър ва ўйинлар қизиқарли. Улардан ўз ўрнида фойдаланиш

дали экан, машқ дафтери ҳам бизга мос» деган фикрни билдирди. Унинг отаси Бахтиёр Фаттоҳов билан суҳбатлашганимда тавсиялар асосида фарзанди билан бирга инглиз тилини ўрганиб, ўргатганини таъкидлади. Ота-оналар учун ажратилган қисмда ҳар бир бўлим давомида ўрганиладиган билимларни умумлаштирадиган материаллар бор. Бу саҳифалар ёрдамида ота-оналар уйда қўшимча равишда фарзандлари билан шуғулланишлари, уларнинг дарсда олган билимларини янада мустаҳкамлашлари мумкин. Ушбу бўлимда инглизча сўзлар маъноси расмларда тасвирланиб, таржимаси ва шартлари транскрипцияси

териаллар одатдагидек алоҳида эмас, мавзуларга уйғун ҳолда берилганини янгича ёндашув деб баҳолаш мумкин. Мультимедиа иловасидаги французча оҳанглари, шеър ва қўшиқлар болаларнинг нутқини ривожлантиришда кўмакдош бўлса-да, ўқувчилар «Ее» бурун товушини талаффуз қилишга қийналганини очиқ айтиш керак.

Немис тили фанидан тажриба-синов ўтказган Мирзо Улуғбек туманидаги 112-мактабнинг экспериментатор-ўқитувчиси Рихси Ҳамдамова бу жараёнга ота-она, бобо-бувилар ҳам қизиқиш билан қарагани катта маънавий далда бўлганини севинч билан гапирди.

— Неварам Самандар билан тажриба-синов жараёнида бирга иштирок этдим, десам муболага бўлмайди. Унга уй вазифаларини бажаришда ёрдам беришимда менга «Ота-оналар учун тавсиялар» жуда қўл келди. Талаффузига қийналсам, транскрипциядан фойдаланардим. Неварам тилни мукамал ўрганса, ўз касбининг устаси бўлиб, юртимиз ривожига муносиб ҳиссасини қўшса хурсанд бўламан, — дейди ушбу мактабнинг 2-синф ўқувчиси Самандар Олимовнинг бувиши Мунира ая Иброҳимова.

1-синфда ўқувчилар тинглаб тушуниш, гапириш кўникмасига эга бўлса, 2-синфда ҳарфларни ўқиш ва ёзишни ўрганади. Сўзларни тўғри талаффуз қиладиган ўқувчи ёзиш малакасини осон эгаллайди. Ишонч билан айтиш мумкинки, чет тилидан яратилган янги дарслик мажмуалар ўқитиш сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади ва уларни тўлақонли ўзлаштирган ўқувчиларимиз чет тилида эркин мuloqotга кириша оладилар.

Тажриба-синов жараёни бир чорак давомида олиб борилган бўлиб, чет (инглиз, немис ва француз) тили фанларидан 4та бўлим, 20та дарс ўтилган. Хулосалар умумлаштирилиб, инглиз тили бўйича «Ўзбекистон», немис тили бўйича Фафур Фулом номидаги, француз тили бўйича «Ўқитувчи» НМИУларига ва муаллифларга, мультимедиа иловалари бўйича эса Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказига тақдим этилган. Муаллифлар жамоаси томонидан таклифлар ўрганилиб, дарслик ва ўқув-методик мажмуаларга тегишли ўзгаришлар киритилмоқда.

Абдуманнон СОБИРОВ,
Республика таълим маркази директорининг биринчи ўринбосари
Инобат МАТНИЕЗОВА,
хорижий тиллар бўлими бошлиғи

ТАЖРИБА-СИНОВ ЯКУНЛАНДИ

*хулосалар умумлаштирилиб, муаллифларга
етказилди*



кузатиб, таҳлил қилиб боришга ҳаракат қилдим. Болаларнинг иштиёқидан келиб чиқиб, дарс бериш методикасини (ўйин тарзида) алмаштириб турдим, мультимедиа воситалари ёрдамида билимларини мустаҳкамладим. Машгулотлар давомида шунга амин бўлдимки, дарслик мажмуалар ўқувчиларнинг психологик ҳолати, ёшига мос тарзда яратилган. Масалан, ёзма машқлар шартли белгилар билан қайд этилган бўлиб, ўқувчи истаган вақтида дафтаридан тегишли жойини очиб, машқларни бажара олади. Қўшимча машгулотлар, мультимедиа иловаси ҳамда ўйинли машқлар ҳам берилган.

Бу қулайликлар, албатта, ўзининг самарасини берди. Ўқувчиларнинг сўз бойлиги тезда ўсиб, чиройли ёзишга ўргандилар. Мультимедиа иловасидаги ҳаракатли ўйинларни

билан биргаликда, ўзим ҳам дарсга ижодий ёндашиб, ўқувчиларимнинг ўзлари ясаган кўргазмалар кулолларида фойдаландим. Бу эса дарс самарадорлигининг ошишига хизмат қилди. Дарсликдаги машқларнинг шартлари дастлаб инглиз ва она тилида, кейинчалик аксарияти инглиз тилида берилган. Иш дафтерига эса уй вазифалари ота-оналарнинг таълим ва тил ўрганиш жараёнига иштирокчилини таъминлаш мақсадида инглиз ва она тилида берилгани айлани мудида.

«Ота-оналар учун тавсиялар» уй вазифаларини бажаришда жуда қўл келди. 2-«А» синф ўқувчиси Зухра Фаттоҳова инглиз тилини яхши ўзлаштирган ўқувчиларимдан бири. Зухрадан инглиз тили дарсинимаси билан ёқди, дея сўраганимда «Дарсликдаги соғломлаштириш машқлари ҳар томонлама фой-

ҳам берилгани мақсадга мувофиқ бўлган.

Француз тили фанидан 2-синф дарслик мажмуасини тажриба-синовдан ўтказган Миробод туманидаги 125-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Ўктамхон Тошхонова 3-чорак давомида «Hirondelle 2» китобидаги 4та бўлимни ўқувчиларига ўргатганини айтди. Ўқувчилар ўзларни ва дўстларининг исмини айтишни; 1 дан 10 гача санашни; товушларни талаффуз қилишни; Аа , Ll, Оо , Bb, Ee ҳарфларини; бу ким? бу нима? саволларининг таржимаси ва жавобини; le, la va les аниқ артиклларини; il va elle келишикларининг қўлланилишга ўргандилар. Дарслик охиридаги грамматик маълумотлар ҳамда 1- ва 2-синфда ўрганилган сўзлар луғатидан фойдаланиб билимларини мустаҳкамладилар. Дарсликда грамматик ва фонетик ма-

Yangiliklarda yurt nafasi



Тошкент вилоятида «Биз — буюк yurt farzandlarimiz» шiori остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Ватанпарвар мухлислигининг 23 йиллигига бағишланган ушбу фестиваль вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилди.

Уч кун давом этган фестивал доирасида ўтказилган тадбирларда таниқли олимлар, шoir, ва ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандлари, «Камолот» етакчилари, ўқувчи-ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Мамлакатимизда биз ёшлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши бўлим мудири Дилором Фафорова. — Ўтказилган тадбирларда ана шулар ҳусусида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб бордик. Фестивалда тенгдошларимизнинг ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш, улар ўртасида ўзаро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш, шу азият юрт фарзанди эканидан фахрлилик ҳиссини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» стадионида бўлиб ўтган фестивалнинг якуний гала-концерти барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Бухорода «Болаларга беринг дунёни!» шiori остида болалар санъат фестивали ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ва «Баркамол авлод» болалар ижодий марказлари қошидаги тўғараклар тарбияланувчилари ўз истеъдодини намойиш этишди.

«Қўнча замин оҳанглари» республика телефестивали иштирокчилари Сано Назаров, Баҳодир Зарипов, шунингдек, Ситора Умарова, Лазиза Низомова, Мохичеҳра Самиева, Гулчиёри Бахшўллаева каби ёш истеъдод эгалари ижросидаги Ватан, истислук, ёшлик ва гўзалликни таранум этувчи куй-қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Бугунги тадбирда кўплаб истеъдодли ёшлар вояга етаётганига гувоҳ бўлдим, — дейди таниқли хонанда, «Нихол» мукофоти соҳибдори Юлдуз Турдиева. — Ушбу фестиваль жажжи ижрочиларнинг ўзига ҳос тақдиротига ҳам айланди.

Тадбир сўнгига фестивалнинг фаол иштирокчилари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида касб-хунара коллежи битирувчилари учун «Оқ йўл сенга, битирувчи!» деб номланган бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Андижон вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Республика Марказий банки вилоят бўлими бошқармаси, иқтисодий, меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофиза қилиш бошқармалари ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида жойларда турли тадбир ва меҳнат ярмаркалари ўтказиш яхши анъаналарга айланган.

Бу галги меҳнат ярмаркасида вилоятдаги 50 корхона, ташкилот ва муассаса, хусусий тадбиркор ва ҳунармандлар ўзларининг 408 бўш иш ўрни билан иштирок этди. 47 нафар кишига ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди, 50 нафар коллеж битирувчиси билан таълим муассасаси ҳамда корхона ва ташкилотлар ўртасида уч томонлама шартнома имзоланди.

Тадбир доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истигида бўлган битирувчиларга мутахассислар томонидан бизнес юритиш, кредит ҳужжатларини расмийлаштириш ва кредит олиш юзасидан кенг маълумотлар берилди. Тадбиркорликни ташкил этиш бўйича аниқ бизнес-режага эга битирувчиларни кўллаб-қувватлаш, уларга кредит маблағлари ажратилиш бўйича зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

ТААССУРОТГА АСОСЛАНГАН ХУЛОСАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўқувчиларнинг ёниб турган нигоҳлари, фаоллиги, ташаббускорлигига ҳавасингиз келадди. Дарс ўтиш методикаси шундай ташкил қилинганки, болалар ўйин тарзида, гоҳ жиддий, гоҳ қувноқ қиёфада давлат таълим стандартида белгиланган билимларни эгаллаб борадилар. Ўқиниш, ёзишни билимайдиган ўқил-қизларга чет тилини ўргатишининг ҳам ўзига яраша машаққати бор, бу ўқитувчидан маҳорат ва изланиш талаб этади.

— Ўқувчиларимнинг кайфияти ва иштиёқи қараб турли методлардан фойдаламан. Баъзида кўргазмаларни қўролларни тарқатиб чиқсам, янги сўзлар уларнинг хотирасида узоқ муддат сақланиб қолади. Мультимедиа воситасидан фойдаланиб, ҳаракатли ўйинлар ва қўшиқларни биргаликда

ижро этар эканмиз, болалардаги стресс ёки психологик зўриқиш ҳоллари батамом тарқаб кетади, — дейди инглиз тили ўқитувчиси Сурайё Мирзоринова.

Инглиз тилидан Юнусобод туманида таянч мактаб ҳисобланган 260-мактабдан тажрибалар таассуроти билан қайтган оммавий ахборот воситалари ходимлари Миллий матбуот марказида ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тиллар билан ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида тизимда амалга оширилаётган ишлар» мавзусига бағишланган матбуот анжуманида иштирок этдик. Унда Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари ҳамда дарслик муаллифлари бу борадаги ислохотлар билан йиғилганларни таништирдилар.

Таъкидлаш керакики, халқро эк-спертлар билан ҳамкорликда узлуксиз таълим тизими учун чет тиллардан янги давлат таълим стандартлари ва бошланғич синфларда ҳафтагига икки соат чет тилини ўқитишни назарда тутган янги ўқув режаси ишлаб чиқилди. 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб юртимизнинг барча умумтаълим мактабларининг 1-синфларида (533 минг 845 нафар) чет тили фанини ўқитиш йўлга қўйилди.

Ўтган ўқув йилида 144 соатлик малака ошириш курси ташкил этилиб, уларда республиканинг барча ҳудудларидан саралаб олинган 243 нафар тренер-ўқитувчилар тайёрланиб, улар ёрдамида жами 25 минг 310 нафар ўқитувчи малакаси оширилди. Бундан ташқари, 17 минг 222та синф ўқув адабиётлари, луғатлар ва DVD магнитолалар билан жиҳозланди.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ошмоқда

Миллий матбуот марказида «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг ўрни» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Маънавий тарғибот маркази ҳамда Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда иштирокчилар соҳада амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улгайишида, маънавий тарғиботида ОАВ ўрни каби мавзуларда фикрлашиб олдилар.

— Марказимиз томонидан ҳамкор давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда олимлар, сиёсатчилар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда, — дейди Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий

маркази раҳбари Мухаммаджон Қуროнов. — Яқинда буюк соҳибқирон Амир Темур таваалудининг 678 йиллиги муносабати билан «Аждодларга муносиб авлод бўлайлик» шiori остида фестивал ташкил этилиб, соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларимизнинг роли, ўқувчиларни турли говий таҳдидлардан, омавий маданият таъсирларидан ҳимоя қилиш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари, давра суҳбати ва анжуманлар ўтказилди.

Ҳар иккала марказ томонидан 2014—2016 йилларга мўлжалланган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш дастури ишлаб чиқилди. Унинг ижросига 140 нафар тарғиботчи жалб қилинди. Жараёнда оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам фаол иштирок этиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Ҳасан МҲМИНОВ

«Биз — буюк yurt farzandlarimiz!»

Чортоқ туманидаги Болалар ва ўсмирлар мусиқа ва санъат мактабида «Биз буюк yurt farzandlarimiz!» шiori остида кўрик-танлов ўтказилди. Унда тумандаги барча умумтаълим мактабларининг икtidорли ўқувчилари иштирок этди.

Иншоалар танловида 11-умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилшоода Абдулҳакимова 1-ўринга лойиқ топилди. 2- ва 3-ўринлар 43-, 46-умумтаълим мактаблари

ўқувчилари Зухра Неъматова ва Муборак Умталиевага насиб этди. «Диний экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш» йўналиши бўйи-

ча 1-ўрин 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоасига, 2- ва 3-ўринлар 9-ҳамда 47-мактабларга насиб этди.

Танлов сўнгига голибларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топирилди.

С.МАМАТВАЛИЕВ,
Чортоқ туман ХТМФМТЭ
бўлимининг услубчиси

Битирувчилар иш билан таъминланди

Миллий матбуот марказида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан «Компания корхоналари томонидан инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш, маҳаллийлаштириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилган ишлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Иқтисодий тизимнинг асосий тармоғи бўлган электр энергетика соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, инвестицион дастурларни амалга ошириш масалаларига бағишланган тадбирда ўтган йили ишга туширилган энергетик объектлар ва 2014 йили белгиланган режалар ҳақида компания мутасаддилари томонидан батафсил маълумот берилди.

Китоб — яхши маслаҳатчи

Китоб муталааси ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда ҳаётини кўнглига ва малакаларини шакллантиришда асосий омилдир. Бадий адабиётни кўп ўқиган ёшларнинг дунёқараши тез ривожланади, мустақил фикрга эга бўлади.

Шу маънода, ёшлар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб этиш мақсадида Учтепа тумани ахборот-ресурс марказида «Китобхон оила» тадбири ўтказилди. Унда ўқувчиларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, шу асосда инсонийлик фазилатларини шакллантириш, бой меросимизни ҳурмат қилиш,

ўзликни англашдек олажанов туйғуларни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳусусида фикр билдирилди. Тарихий-адабий меросимиз, бугун яшаб ижод қилаётган ёзувчи ва шоирлар, сўз санъати устасларининг бой ижодий мероси билан ақидан таништириш, улардан ўрнак олиш,

улар билан фахрланиш ҳусусида ҳам таъкидланди. Тадбирда нафақат ўқувчилар, балки уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этишди.

«Китобхон оила» тадбири доирасида бўлиб ўтган кўрик-танловда Учтепа туманидаги 287-мактабнинг 9-«Г» синф ўқувчиси Ҳабибулла Назаров биринчилиқни кўлга киритди.

Ш.ТУРОХОНОВА,
Учтепа тумани
ахборот-ресурс
маркази раҳбари



Чет тили бўйича таянч мактабларда олий таълим муассасалари, малака ошириш институтларининг тажрибали чет тили мутахассислари, тренер-ўқитувчилар иштирокида «Маҳорат мактаблари» фаолияти йўлга қўйилди. Ҳар бир туман(шаҳар) битта умумтаълим мактаби базасида тажриба-синов сифатида чет тилларни чуқурлаштириб ўқитиш-

га ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилди...

Матбуот анжуманида ислохотлар билан ақидан танишган омавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб ҳам олдилар.

Азиз НОРҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири
Б.РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

2014-yil 19-aprel, № 32 (8681)

Зиёли хонадон соҳиби нолиб қолди: «Ўғлим бошлангич синфда ўқийди. Ҳозирданоқ унинг компьютер ўйинларига муккасидан кетаётганидан хавотирланиб, китобга меҳр бериши учун ҳар хил усуллар қўллаяпман. Бироқ янги олиб берган китобларимиз расмини томоша қилади-ю, у ер-бу еридан ўқиган киши бўлади. Кейин китоб қаерга қўйилган бўлса, ўша ерда қолиб кетади...».

Ростдан ҳам, бугунги кун боласи кўпроқ, технологик воситалар тақлиф этаётган завқ-шавққа ошно бўлаётгани бор муаммо. Электрон дунё ичидаги маълумотлар болани дангаса, ҳар бир нарсанинг тайёр, осон йўллари кўзлайдиган қилиб қўяди. Шундай экан, маънавий озۇқа, ширин ҳаёл, бой тасаввур, бирор нарса устида бош қотириб фикрлаш, ижод қилиш завқини китобдан бошқа нарса бера олмаслигини болаларимизга қандай тушунтирганимиз маъқул?

«Китоб ўқи!»

Бу ишни оиладан бошлаш керак. Шахсий намуна кўрсатган ҳолда болага китобни ўзимиз қўли берсак, у бажонидил тинглайди. Китоб ичида яна нималар борлиги ҳақида ўйлайди. Ота-она ўзи телевизор қарши-сига михланиб, болага «Китоб ўқи!» дейиши мантқиқсизлик. Албатта, кичик ёшдаги ўқувчида мутлолаа тизлиги паст бўлади ва катта асарни ўқиб тугатишга сабри етмайди. Шунинг учун рангли-безакли, кичик-кичик ҳажмдаги ҳикоя ва эртақ китоблар билан уларда мутлолаага қизиқишни уйғотган маъқул.

3-синфда ўқийдиган қизим фақат дарсликлар билан чегараланиб қолаётгани сабабли ҳар куни бирор бадий китоб ўқиши учун меъёр белгилан берадиган бўлдим. Максадим бора-бора китобга, ундан олинётган қизиқарли маълумотга табиий эҳтиёж пайдо қилиш эди. Аммо бу ҳолатда ҳам фарзандимнинг оқламини адо этиш ва назорат талаби унчунгина мутлолаа қилиб, китобдан беэиб бораётгани сезилиб қолди. Бола руҳиятига, унинг хоҳишига зид бормаяпманми деган савол билан мутахассисларга мурожаат қилдим.

Гулчехра Алимова, психолог **фанлари номзоди, доцент:**

— Агар ўзи хоҳламаган иш билан доимий тарзда машғул бўлаверса, бола бажарётган топшириқни мажбурият унчунгина адо этади. Катталар босими остида қизиқишсиз вазифа бажариш зарарга хизмат қилади. Тўғри, бундай ҳар қилиш микдорда китоб ўқиш оптимист болаларда мутлолаага нисбатан инстинкт уйғотиши мумкин, лекин ҳаммасида ҳам эмас. Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш учун болаларни рангли-безакли китобларга қизиқтири олиш лозим. Оз бўлсада, шу китобда ёзилганларни билишга интилиш пайдо бўлгангина, ўқиш техникасини ривожлантириш билан шуғулланиш мумкин.

Бошлангич синф ўқувчиларини бадий адабиётга ошно қилишда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида **Филология фанлари номзоди Замира Иброҳимова** шундай дейди:

— Болани бадий асардаги қаҳрамонлар хулқ-атворини таҳлил қилиб, яхши ва ёмон жиҳатларини фарқлаб, мустақил баҳо беришга ўргатган маъқул. Чунки улар мантқиқий фикрлаб, ўйлаганларини эркин, равон баён этишганида ихтиёрий ўқиш истаги янада ошади. Албатта, бу мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён. Маълумки, болаларнинг бадий асарни қанчалик тушуналтигини аниқлаш бўйича энг кенг тарқалган усул бу — савол-жавобдир. Болалар эртақ, ҳикоя ёки шеър маъносини қанчалик тушуналтигини аниқлаш,

уларни ижодий фикрлашга, фикрларини эркин айтишга, дадил ҳимоя қилишга ўргатиш мумкин. Китобхонлик маданиятини шакллантиришда бу усулдан фойдалана бўлади. Болалар учун тавсия этилаётган бадий асарлар орасида ҳикоялар алоҳида ўрин эгаллайди. Уларда она Ватанга, табиатга муҳаббат, ҳалоллик, ростўйлик, саҳийлик каби инсоний фазилатлар улуғланади, ёлгончилик,

Синфдаги бойлик

Шайхонтохур туманидаги 167-мактаб бошлангич синф ўқитувчиси **Нигора Махмудова** ҳам бу борада тажрибали билан ўртоқлашди.

— Ҳар ой охирида ўқувчиларим тўплаган китобларини синф кутубхонасига жойлаштириб, уларни бирма-бир ўқиб, таҳлил қиламиз. Тўрт ҳафта мобайнида фақат аёлога ўқиган ўқувчи китоб билан тақдирланади. Ва унинг шахсий китоби синф жавонидан ўрин олади. Ўқувчиларим учун китоби мўъжазгина кутубхонада сақланиши фахр бағишлайди. Бу ҳам ўқишга рағбат бўлса, ҳам китобга муҳаббат уйғотишининг бир усулидир.

Мактабда китобхон ўқувчинини шакллантириш учун амалий чоралар қўрилайётган бир пайтда оиладан — ота-оналардан қўллаб-қувватлаш бўлмаса, барибир ижобий натижага эришиш мушкул. Шунинг учун оилаларда китобга муносабат қандай шакллантирилаётгани билан ҳам қизиқдик.

— Менимча, болада энг

ларим жуда кўп бўлган. Энди ўйлаб кўрсам, бугуннинг боласи китоб эмас, компьютер клавиатураси устида ором олишни афзал билапти чоғи. Лекин китобдан олинган оромнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Ҳайвонлари «тириладиган» китоблар

Бундан анча йиллар муқаддам болалар учун чиқарилаётган нашрлар камлигидан нолирдик. Эндилекда бундай бўшлиқнинг ўрни тўлгандай. Болалар адабиётининг энг сара намуналари электрон кўринишда тақдим этилаётгани аини муддао. Ичидан уйча «ўсиб чиқадиган», ҳайвонлари «тирилиб кетадиган», ҳарфлари «гапирадиган» китоблар ҳам бир мақсадда — болаларни китобга қизиқтириш учун ишлаб чиқилмоқда. Бундай асарлар ҳар қандай бола аввал томоша қилади, сўнгра ўқиб

бўлган болалар қўлидаги китобни топшириш билан бирга ўқиган эртагини сўзлаб беради. Шу тариха бир бола ўқиб тугатган китоб иккинчи ўқувчига ўтказилади. Ўқувчилар рўйхатидан бир ўқув йили давомида барчанинг исми жой олади.

Энди китобни топшириш, яъни ҳар бир бола ўрганган эртагини синчиклаб ўқиганини исботлаши қандай кечигиши алоҳида тўхталсам. Китобни уйига олиб кетган ўқувчи дарслари билан биргаликда қўшимча адабиётни ҳам ўқиб, изланади ва эртанинг ўзига ёққан қисмига асосан расм чиқади (расмлар учун алоҳида файл папка тугталади.) Синфдан ташқари ўқиш соатида бола ўқиган эртагини сўзлаб беради. Бунда ёш китобхоннинг асардан олган таассуроти сўзлашга ва хулосалашга қатъий эътибор бериш керак. Шундай қилинганда бола фикрлайди, мушоаҳада юртади ва шахсий муносабати шаклланади. Албатта, бу жараён биринчи ва иккинчи китоблар ўқилганда кўнгилдагидек чиқмаса ҳам навбатдаги мутлолаада боланинг қайта сўзлаб бериш қобилияти ўсгани, эртани таҳлил қилиш даражаси ошгани, энг таъсирли сюжетларни расмага солишга интилиши кузатилади. Ана шу тарзда иш ташкил қилганимдан сўнг ўқув йили сўнгиде синфимиздагиларнинг бир-бирига «Мен 10та китобни тугатдим», «Мен эса 15та», дея мақтанишга келишди. Айримлари эса «Фалончи ўртоғим мендан ўзиб кетди, унга етиб олишим учун яна 3та китоб ўқилиш керак» деб уйига борганда оила аъзоларини ҳам дарс тайёрлаш учун ёрдамга қайраётганини ва эртани қайта-қайта ўқиб, қўлидан китобини қўймаётганини ота-оналар хурсанд бўлиб айтиб келишди. Бу синфимизда соғлом рақобат асосида болаларнинг китоб ўқишга қизиқаётганини кўрсатади.

Шу тажриба натижасида ўқувчиларимнинг озаки нутқи равонлашди, ўқиш тезлиги ўсди, ифодали ўқиш малакаларини эрта эгаллади. Ҳозир ҳамма ўқувчиларим дарсликдаги ҳикоя ва эртакларни бир ўқишда бемалол сўзлаб беради. Қайта сўзлаш жараёнида ҳам уларнинг сўз бойлиги ошгани кузатилди. Чунки манзараларни турли сифатлар, бадий тасвирлар билан таърифлайдилар. Энг муҳими, аксарияти диктантни хатосиз ёзапти. Адабий тилда учрайдиган ёки нотаниш сўзларнинг ёзилишини ҳам тезда илғаб, орфоэпия қоидаларига кўра ифодаляпти. Шунингдек, бошлангич синфларда суратга қарабми ёки ўқиб, эшитилган ҳикоя асосидами, болаларимиз баён ёзишда кўп қайтариқларга йўл қўяди, мавзуну хулосалашга қўйналади. Кўп китоб ўқиган болаларда эса бундай ҳатолар ҳам учраб экан.

Янги ўқув йили бошидаёқ, ўқувчиларим мендан сўради: «Устоз, яна эртақ китоб ўқишга берасизми?». Ушбу талаб ўқувчиларимда китоб ўқишга табиий эҳтиёж тўғилганидан дарак эди.

Аввало китобга ёзмаслик кераклигини ўқувчиларга намуна сифатида кўрсатиш учун муқаддимадан олдинги вараққа қўшимча оқ қоғоз ёпиштирдим. Синфдаги ҳар бир болага биттадан китоб берганимда, уни олган ўқувчи китобга исми ва фамилиясини ёзиб қўяди. Ҳафтининг охирида болаларга китобларни тарқатганимдан кейин, улар уйда мутлолаа қилади, тушуналганларини оила аъзолари билан муҳокама қилиб, янги эртани ўрганиб келади. Кейинги ҳафтадаги синфдан ташқари ўқиш дарсида эртани кўриб

қимматли ва обрўли совға бу — китоб деган фикрни тарбиялашимиз керак. Байрамлар, туғилган кун ва тадбирлар муносабати билан фарзандларимизга китоб совға қилишимиз керак. Шунингдек, ота ибрати салмоқли бўлгани боис ҳам оила бошлиқларининг болалар билан биргаликда китоб ўқиб, муҳокама қилишда ҳиммат кўп. Чунки фарзандлар келажакда ўзларини оталари каби тасаввур этишганида, китоб билан боғлиқ лавҳалар улар ҳаётининг ажралмас бир бўлаги эканини тушунишади. Ва бу тушуна ортидан китоб орқали билим олиш, саодат топишга интилишади, — дейди Севара Хотамова.

Китобга бош қўйиб...

Ҳақиқатан ҳам, китоб ортидан ёмонлик томон борганлар бўлган эмас. Ушбу исбот талаб этилмайди ақсономнинг яна бир далилини келтириб ўтсам. Билим олиш истаги қучлилиги, хорижий тилларни пухта ўзлаштирганлиги натижасида Хитойдаги Ланжоу университетининг халқро ҳуқуқ ва давлат бошқаруви факультетиде тахсил олган Жалолиддин Сæдиновнинг қандай қилиб китобхонага айланиб қолгани билан қизиқдик.

— Менинг энг ақин дўстим — китоб. Бу дўстлик бизда болалигимиздан шаклланган. Отамнинг қирқ мингга яқин китоб фондига эга кутубхонаси бизнинг ҳам энг сеvimли жойимиз бўлган. Кичиклигимизда опа-акаларим билан китоблар номини ёки уларнинг муаллифларини топиш бўйича топишмоқ ўйнардик. Номи сирли туюлган китобларни маъносига тушунамас-да, қўлимизга олиб кўраддик. Катта бўлган эса шу кутубхона мен учун худди билимлар хазинасига ўшаб туюларди. Чунки биз кутубхонага кириб, билмаган нарсаларимизни билиб чиқардик. Шундан кейин китоб ўқиш кундалик эҳтиёжимга айланган бўлса керак. Китобга бош қўйиб ухлаб қолган кун-

кўради. Натижада болада китобхонлик малакаси шаклланади.

Бир тажриба ортидаги муваффақият

Болаларда китобхонлиқни табиий эҳтиёж сифатида шакллантиришда ўқитувчилар қандай ечим ёки аниқ ва натижа-си кафолатланган чоралар топмоқда? **Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчиси Гулзода Йўлдошеванинг** тажрибасини шу ўринда келтиришим лозим топдик:

— Синфимиздаги ўқувчиларни китобга қизиқтириш учун ота-оналарни ҳамкорликка чорладим. Уларнинг ташаббуси билан синфимиз кутубхонаси учун 30та (синфда 30 нафар ўқувчи бор) бир хил сериядаги, бироқ эртақлар мундарижаси турлича бўлган китоблар тақдим қилинди. Ундан унумли фойдаланишни таъминладик.

Аввало китобга ёзмаслик кераклигини ўқувчиларга намуна сифатида кўрсатиш учун муқаддимадан олдинги вараққа қўшимча оқ қоғоз ёпиштирдим. Синфдаги ҳар бир болага биттадан китоб берганимда, уни олган ўқувчи китобга исми ва фамилиясини ёзиб қўяди. Ҳафтининг охирида болаларга китобларни тарқатганимдан кейин, улар уйда мутлолаа қилади, тушуналганларини оила аъзолари билан муҳокама қилиб, янги эртани ўрганиб келади. Кейинги ҳафтадаги синфдан ташқари ўқиш дарсида эртани кўриб

Йигирма саккиз йиллик иш фаолиятига эга ушбу ўқитувчининг ўқувчиларни китобга қизиқтириш, бадий адабиётга меҳрини ошириш, мустақил ўқишга одатлантириш мақсадини кўзлаб қўллаётган тажрибаси республикамиз миқёсида оммалаштиришга арзийдиган усул деса бўлади. Қадрли педагоглар, Сиз ҳам ҳамкасбингиз тажрибасини қўллаб кўринг-чи, самараси қандай бўларкан? Балким, ўзингиз кўнгилдан ҳам яхшироқ натижаларга эришарсиз! Агарда шундай бўлса, фикр ва таклифларингиз битилган мактубларни кутиб қоламиз.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИ

болада у қандай шакллантирилади?

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

19-aprel — O'zbekiston Bern konvensiyasiga a'zo bo'lgan kun

Бош Қомусимизда эътироф этилганидек, ҳар ким-га илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат ҳамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Мамлакатимизда маънавий меросимизни асраб-авайлаш, интеллектуал мулк ривож ва муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда истиқлол йилларида аждоқлардан мерос бебаҳо маданий ёдгорликлар қайта тикланиб, халқимизга етказилиши билан бир қаторда замондош ижодкорлар, ихтирочилар эркин фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ушбу йўналишда халқаро интеграцияни ҳам изчил йўлга қўйгани муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим омили бўлаётди. Мамлакатимизнинг 1991 йилда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлгани бунинг далилидир. Ўзбекистонда 2005 йил 19 апрелдан Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси қоидалари амал қилаётгани бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

— Берн конвенцияси фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳамда уларнинг муаллифлари ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро шартномалардандир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи Зайниддин Гибсов. — Конвенцияда бадиий, адабий ва публицистик асарлар, санъат намуналари, фотография ва ҳатто интервьюларнинг муҳофаза қилиниши алоҳида қоидалар билан белгилаб қўйилган. Уларни яратиш ва фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатлар мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжат қоидалари билан тартибга солинади.

Конвенция универсал ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, аъзо давлатларда тўғридан-тўғри ёки унинг қоидаларини соҳага оид миллий қонунчиликда акс эттириш орқали қўлланилади. Конвенциянинг аъзоси бўлган ҳар бир давлат мажбурийлар, ҳуқуқий имконият ва имтиёзлар бўйича тенг ҳисобланади.

Мамлакатимизда Берн конвенцияси қоидаларига амал қилиш, муаллифлар ва турдош ҳуқуқ эгаларига моддий ва маънавий зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат Республика ишчи комиссияси фаолият юритмоқда.

Ўзбекистоннинг Берн конвенциясига қўшилиши муаллифлар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгаларига катта имкониятлар яратди. Айни пайтда муаллифларимиз асарларидан Берн конвенциясига аъзо 170 га яқин давлат ҳудудида фақат рухсат билан фойдаланилмоқда. Бунинг эвазига уларга тегишли микдорда муаллифлик ҳақи ундириб берилмоқда. Бу юксак савидадаги миллий асарлар яратиш қўлами кенгайиши ва уларнинг дунё бўйлаб тарқалишига, жаҳон маданиятида ўрни ва ҳиссаси янада ортишига йўл очаётди.

2006 йил янги таҳрирда қабул қилинган "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айрим турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставка-

лари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилингани муаллифларнинг меҳнатини рағбатлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Чунки шу асосда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати юритилиши йўлга қўйилди.

Мазкур агентлик ваколатларининг кенгайтирилгани, жумладан, унга ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ҳамда бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, интеллектуал мулк объектлари эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклагани соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга замин яратди.

Интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш бўйича ўтган йилда агентликка олти мингдан ортиқ талабнома қабул қилинган. Улар бўйича ўтказилган давлат экспертизаси натижасида тўрт ярим мингдан зиёд интеллектуал мулк объекти давлат рўйхатидан ўтказилган.

Айни пайтда тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш қўлами кенгайилмоқда. Чунки бу интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олишни автоматлаштириш ва экспертиза ўтказиш жараёнларини соддалаштиришга ёрдам беради. Бу борада агентлик ҳузурида фаолият юритаётган "Intellect Expert" давлат унитар корхонаси изчил ишларни амалга ошираётди. 2013 йилда агентлик веб-сайти орқали базавий интерфаол хизматлар кўрсатиш йўлга

қўйилгани шунинг тасдиқлайди.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилиш, мамлакатимиз ҳудудига қалбаки товарларнинг ноқонуний олиб қилиниши ва айланишига чек қўйиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётди. Zero, интеллектуал мулк ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг муҳим қисmidир. Шу боис интеллектуал мулк ҳимоясини ривожлантириш, контрафакцияга қарши курашни қўйиш зарур бўлади.

Қонунчиликка мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар асардан фақат ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномага биноан ёки тегишли рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда фойдаланиши мумкин. Бундай махсуслот хориқдан олиб келинса, бунинг тасдиқловчи тегишли ҳужжатлари бўлиши лозим.

— Шунга қарамай, жойларда асарларни мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб кириш, нусха кўчириб сотиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди, — дейди Интеллектуал мулк агентлиги матбуот котиби Гузал Вафоева. — Айрим ҳолларда эълон қилинган асарлардан муаллиф рухсатсиз фойдаланиш, ҳатто уларни "қайта ишлаш" ёки материалларнинг муаллифини кўрсатмасдан эълон қилиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Кимнингдир мусикасини "халқ куйи" деб қўшиқ қилиб айтаётган хонандалар учраб турибди.

Булар қонунчиликда ўғриликка тенглаштирилган жиноят ҳисобланади. Негаки, қалбакилаштириладиган махсуслот ҳеч қандай рўйхатдан ўтмайди. Оқибатда белгиланган солиқлар ҳам, муаллифга берилиши лозим бўлган ҳақ ҳам тўланмайди. Бундай ҳолатларда, аввало, муаллиф-

лар поймол қилинаётган ҳуқуқларини тиклаш учун тегишли идораларга мурожаат қилиши лозим. Zero, қонунчилигимизда муаллифлик ҳуқуқини бузаётганлар учун тегишли жазолар белгиланган.

Қонун талаблари бузилиши ҳолатларига қарши курашиш борасида агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қорорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бу борада ўтказилган тадбирлар натижасида 2013 йилда етти юздан ортиқ қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Интернет тармоғида жойлашган 134 сайт орқали муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг аудиовизуал асарларидан ноқонуний равишда фойдаланиш ҳолатлари мавжудлиги маълум бўлди. Аниқланган ҳолатлар бўйича ваколатли давлат органларига эксперт хулосалари берилди. Шунга асосан умумий қиймати икки миллиард сўмликка яқин контрафакт махсуслотлар йўқ қилинди. Бундай чоралар натижасида миллий қадриятларимизга зид бўлган, ёшларимиз маънавий оламига соя солишга қаратилган аудиовизуал асарлар пештахталардан олиб ташланаётгани эътиборга молик.

Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг маънавий ва моддий манфаатларини таъминлаш, интеллектуал мулкни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ТАНЛОВЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ

қизғин ва мурасасиз ўтди

Юртбошимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон таълими, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамкорлигида "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловининг "Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси" ва "Йилнинг энг фаол ёш тарбиячиси" номинациясида дастлабки босқич ғолиблари аниқланмоқда. Тўрт босқичдан иборат танловнинг биринчи босқичи таълим муассасаси микёсида ташкил этилди.

Шундай тадбир Наманган вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан Учқўрғон туманидаги иқтисодиёт коллежи-

да уюштирилди. Унда таълим муассасасининг 5 нафар ўқитувчиси педагогик маҳоратини кўрсатди.

Ўқитувчиларнинг узлуksиз таълими, фан, ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий модернизация жараёнлари борасидаги билимларини ошириш, илғор, ташаббускор ва ижодкор ўқитувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш, касбий маҳоратини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, аниқланган илғор тажрибаларни омдалаштириш, уларни ўз методик мактабини яратишга йўналтириш, фаолият самарадорлигини оширишга эришиш, инновацион фоя, тайиҳа ва технологияларни ҳаётга таъбиқ этиш, таълим-тарбия жараёнида самарадор илғор педагогик ва ахборот-коммуникация техноло-

гияларини қўллаш мақсадида ўтказилаётган кўрик-танловда вилоятдаги 108 та касб-хунар коллежи ва 10 та академик лицейда таълим бераётган 30 ёшгача бўлган педагоглар иштирок этишяпти.

— Танлов эгаллаган билимларимизни синаш, ривожлантириш имконини бермоқда, — дейди танлов иштирокчиси Асила Турсунова. — Бир-биридан иқтидорли педагогларнинг ғоялари, интилишлари танловнинг қизғин, мурасасиз ўтишини таъминляпти. Мен ҳам ўз имкониятимни синаб кўрмоқдаман. Танловнинг дастлабки босқичи таълим муассасаларида ўтказилиб, ғолиблар туман босқичига йўлланма олишди.

Гулистон шахридаги 20-мактабга таълим муассасасида

"Йилнинг энг фаол ёш тарбиячиси" танловининг биринчи босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур мактабга таълим муассасасида 30 ёшгача бўлган ёш тарбиячиларнинг фаолиятини фидойи услубчи ва устоз тарбиячилар ўрганиб, улар ичидан энг иқтидорли ва ташаббускорини аниқлади.

— "Йилнинг энг фаол ёш тарбиячиси" танловининг мактабга таълим муассасаси босқичида ғолибликни қўлга киритди, — дейди Инобат Жўраева. — Бу кейинги босқичга йўлланма бериши баробарида зиммамга катта масъулият юклайди. Танлов орқали тажрибаларимни янада бойитиб, билимларимни кенгайтириш ниятидаман.

Тадбир сўнггида ғолибларга ҳомий ташкилотлар томонидан совғалар улашилди.

Тўрт босқичда ўтказиладиган кўрик-танлов ғолиблари июнь ойида аниқланади.

Олим ЖУМАОЕВ

2014-yil 19-aprel, № 32 (8681)

ҚИШЛОҚ МАКТАБИДАН ЖАҲОНГА

Иштихон туманидаги 1-ИДУМ ўқитувчиси Элмурод Тоғаевнинг ўқувчиси Бекзод Дониёров 2008 йили 42-халқаро Менделеев олимпиадасида бронза медални қўлга киритган эди. 2009 йили ҳам ушбу нуфузли беллашувнинг махсус дипломи билан тақдирланди. Қолаверса, кимё фани сабоқларини қўн билан ўрганган Досбаев Сулайимова 2012 йили билимлар беллашувнинг республика босқичида совриндор бўлди.

Ўтган йили эса яна бир ўқувчи Ўғил Даминова ҳам 47-халқаро Менделеев олимпиадасида муваффақиятли иштирок этиб, махсус диплом билан тақдирланди. Ҳўш, бир мактабнинг, бир устознинг ўқувчилари бу қадар ютққа эришишининг сабаби нимада? Ўқитувчининг қандай тажрибаси борки, оддий қишлоқ ўғил-қизлари нуфузли халқаро беллашувда ўзбекнинг номини дунёга танитишмоқда? Шу саволларга жавоб топиш мақсадидан Элмурод Тоғаев тажрибаси билан яқиндан танишдик.

— Ўқувчиларнинг бундай ютқларга эришиши бежиз эмас, — деди муаллим. — Соҳага берилаётган алоҳида эътибор, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ғам-хўрликлар қишлоқ ва шаҳар мактаби ўртасидаги фарқни йўқотди. Республикамининг барча умумтаълим мактабларида тенг шароит ва тенг имконият яратилди. Бу, ўз навбатида, педагоглар зиммасига улкан масъулият юклатди. Шунинг учун ҳар бир ўқувчи ўз устида ишлайдиган, замонавий фикрлайдиган бўлиши керак. Асосийси, ўқитувчиларни муқаддас касб деб билиши лозим. Чунки илгор, бой тажрибага эга педагог кадрларнинг касбий салоҳияти ислохотлар самардорлигида муҳим аҳамият касб этади.

Элмурод Тоғаевнинг ўзини ҳам ана шундай

юсак педагогик маҳоратга, ўзига хос дарс ўтиш усулига эга педагоглар қаторида тилга олиш мумкин. У доимо ангилликка интилади. Ҳар бир дарсин турли инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда, янги ғоялар билан бойлантирилади. «Зиг-заг», «Кластер», «Тўртинчиси ортиқча», «Бумеранг», «Ақлий ҳужум», «Ким тез бажаради?», «Венн диаграмма-си», «Дебат», «6х6», «Сирли формула», «Кимёгар-сексгар» каби интерфаол усулларни кенг қўллайди. Дарсда ҳар бир ўқувчининг фаол иштирок этишини таъминлаш чорасини кўради. Ўқувчилар фаоллигини оширишда кўргазмалар, қуроллар, қўшимча адабиётлардан кенг фойдаланиб, фанларни бир-бирига боғлаб ўтади. Шунданми, ўғил-қизлар унинг дарсини соғинишади.

Ютқларнинг ана бир омилли ўқитувчининг ота-оналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганида. Дарсга тез-тез уларни тақлиф қилиб туради. Шундай машғулотларда ўқувчиларнинг билими, саволларга қайтарган жавоби ва масалаларни ечишдаги тезкорлиги ўқитувчи эмас, ота-она томонидан баҳоланади.

— Бу усул ҳам жуда самарали, — дейди Элмурод Тоғаев. — Ота-оналар фарзандига ҳаққоний баҳо қўйди. Дарсда фаол иштирок этган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари фахрланишади. Аксинча,

ўзлаштириши паст ўқувчи ва унинг ота-онаси эса бу вазиятдан керакли хулоса чиқариб олади. Бола кейинги гал яна шундай ноқулай ҳолатга тушмаслик ва ота-онасини уялтириб қўймаслик учун фани яхши ўзлаштиришга тиришади. Энг муҳими, дарсда эгаланган билим, уйда мустаҳкамланиши кафолатланади.

Мактаб ўқувчиларининг кимё фанидан ўтказилаётган қўриқ-танлов ва беллашувларда юқори натижа қайд этишининг яна бир сабаби бор. Элмурод Тоғаев ўзлаштириши юқори, билим доираси кенг ва иқтидорли ўқувчиларга алоҳида эътибор беради. Улар билан дарсдан ташқари машғулотлар ўтказиб, фан олимпиадаси, билимлар беллашувига тайёрлайди. Амалий ва назарий билимларни мустаҳкамлаш учун дастлаб содда, кейинчалик мураккаб масалалар ечтиради.

Устознинг бой тажрибаси нафақат Иштихон туманида, балки Самарқанд вилоятида кенг омалашади. Тажрибали ўқитувчи сифатида ёш педагогларга зарур маслаҳат бериб келмоқда. Таълим-тарбия ривожига қўшган ҳиссаси, фидокорона меҳнати тўғрисида Элмурод Тоғаев II даражали «Соғлом авлод учун», «Эл-юрт хурмати» ордени, «Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси» унвони билан тақдирланган.

Ҳасим ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ота-боболаримиздан мерос қадриятларнинг таълим тизимида ҳам ўз ифодасини топаётгани қувонарли ҳол. Зарафшон шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби бошланғич синфларида ибратли тарбиявий усулга ғувоҳ бўлдик: ўқитувчилар ўқувчиларга сизлаб муомала қиларди. Бу мактаб маъмурияти қабул қилган қоида эмас, балки табиий равишда келиб чиққан эзгу аъёна, ўзаро ҳурмат белгиси экан.

— Ўқувчига сизлаб муомала қилсак, жahlимиз чиққанда ҳам қўпол сўзлардан тийиламиз, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Шахло Қурбонова. — Сизлаш одати ўқувчи ва ўқитувчи орасини яқинлаштиради. Бола мактабда ўзига нисбатан иззат-икром кўрсатиллаётганини сезиб, билим олишга иштиёқи ошади.

— Ўқитувчилар бошланғич синф ўқувчиларига нафақат сизлаб гапири-

ўрғана олмай қолдим», деса, Садафхон «Сен йўқлигингда синфимиздан фэйз кетди», дея бувиси ўргатган тилигини билдирди. Бир четда турган Исролбек суммасидан расм дафтари чикариб, «Айғимнинг сура-тини чизиб келдим, тузалсанг шуни сенга соғва қиламан», деса, Қувончбек чўнтагидан ўйинчоқ телефони олиб, «Беш кунга ўйнашга бериб турмоқчиман», деган содда

СИЗ ҲАМ — БИР ОҒИЗДАН, СЕН ҲАМ

ёхуд ўқувчиларни эркалатиб ўқиб-ўрганишга рағбатлантириш тажрибаси хусусида

шади, балки топшириқни аъло даражада бажарган, одоб-ахлоқи билан тенгқурларига ибрат бўлган болажонларга «благоним», «полвоним», «топ-қирим» каби сўзлар билан эркалаб муносабатда бўлишади, — дейди директор ўринбосари Асолат Искандарова. — Бу болаларнинг устозига бўлган меҳрини оширади, ўқувчилар муаллимини ўз ота-онасидек ҳурмат қилади. Натижада мактаб аурасига хос жиддийлик чекиниб, мурғак қалбларда таълим даргоҳига талпиниш ҳисси янада кучаяди.

Болажонни мактабга бурч ва масъулиятдан кўра меҳр етакласа, ўқишга бориш ҳақидаги ҳаёлларида «шарт», «зарур» каби таъкидлар эмас, жонажон даргоҳининг қайноқ кучоғи чорласа, билим-заковати янада ошади.

— Бирор ўқувчи бетоб бўлиб қолса, кўргани боришдан аввал «тилак билдириш» машғулотини ўтказамиз, — дейди Асолат Искандарова. — Ўқувчилар бемор синфдошининг кўнглини кўтариш учун ўзларига хос содда, самимий тилаклар ўйлаб топишади. Яқинда Илёсжоннинг юрагини операция қилишди. Касалхонага бутун синф билан бирга бордик. Шунда Шерзоджон бемор дўстининг қўлидан тутиб, «Сен дарсга келмаётганинг учун мен математикани яхши

сўзлари билан Илёсжоннинг кўнглини кўтаришди.

Дунёдаги энг шифобахш дори бу — меҳр. Айниқса, юзлари булоқдек тоза, қароқлари шағнамдек тиниқ болажонларнинг ўз тенгдошига улашаётган покиза меҳр-муҳаббати барча дармондан зиёд бўлади.

— Бошланғич синфларда билимдон ва паст ўзлаштирувчи ўқувчилар ўртасида «Тенгдош — тенгдошга» тажрибасини йўлга қўйдик, — дейди директор Матлуба Тўйжоннова. — Аълочи бола пассив синфдоши билан дарсдан сўнг бирга шуғулланади. Унга билганларини ўз тилида содда қилиб тушунтиради. Ушбу усул ўқувчилар ўртасида дўстона муҳитни, билим сифатининг ошишини таъминлаб, ҳар бир ўқувчида, аввало, синфнинг шайнини ҳимоя қилиш ҳиссини шакллантиришда. Қолаверса, «Бобожон рағбати», «Онажон рағбати», «Отажон рағбати» каби карточкалар ясаб, митти ўқувчиларни аъло баҳолари, тарбиявий интизом, фаоллигига қараб тақдирлаб борамиз. Бу каби психологик усуллар ўқувчиларнинг ҳар кун мактабда худди байрам кунидагидек шодон кайфиятда келишига хизмат қилмоқда.

Маърифат ТЕМУРЗОДА,
«Ma'rifat» мухбири

ЎРГАТИБ ЎРГАНАЁТГАН МУАЛЛИМЛАР

Ҳалимаҳон Эргашева Учқўприк туманидаги 2-ИДУМнинг тажрибали ўқитувчиларидан. Одина Тожибоева эса энди иш бошлаган ёш мутахассис. Улар «Ўрган-ўргат» тавсиялар мажмуаси бўйича устоз-зоғирд тутинишган. Ҳалима Эргашева зоғирдига касб сир-асрорларини ўргатиш асосида ўзи ҳам ундан кўп нарсаларни ўрганмоқда.

— Мактабимизда Халқ таълими вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган тавсиялардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган, — деди Ҳалимаҳон Эргашева. — Ёш мутахассисга зарур маслаҳатлар бериш баробарида ундан ҳам кўп нарсаларни билиб олаётганман. Масалан, рус тилини ўқитишда ахборот-коммуникация ва илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш, интернетдан мавзуга доир қўшимча маълумот излашни ўзлаштирдим. Эътибор берсангиз, бугунги ёш мутахассислар назарий жиҳатдан кучли билимга эга, кўп ўқиган, аммо уларда тажриба ва малака етишмади. Мен Одинахондаги мана шу бўшлиқларни тўлдиришга

интиляяпман. «Устоз-зоғирд» тизими асосида ҳафтанинг уч кунда биргаликда иш олиб борамиз. Уч ёки тўрт марта унинг дарсларини таҳлил қиламан, аввал ютқларини эътироф этиб, сўнгра камчиликларини кўрсатаман. Ўтилган мавзу бўйича ўзим ёзган дарс шланмаси билан танишиб чиқишини сўрайман. Сўнгра унинг дарс шланмаси билан солиштирамиз.

Мактаб «Ўрган-ўргат» тавсиялари асосида иш олиб боруви таянч билим маскасини ҳисобланади. Тумандаги 1, 4, 7, 20, 29-мактаб ўқувчилари ҳам бу ерда ўзаро фикр алмашиб, билмаганларини ўрганиб, билганларини ўргатмоқдалар. 29-умумтаълим мактаби ўқитувчилари

ри сешанба кун она тили ва адабиёт, математика фанларидан тажриба алмашиб учун келса, 7- умумтаълим мактаби педагоглари физика, 20-умумтаълим мактаби ўқитувчилари тарих, 4-умумтаълим мактаби муаллимлари рус тили фанидан «Ўрган-ўргат» тавсиялари асосида иш олиб боришади.

«Дарс — муқаддас» тавсияси бўйича ҳар ойда бир марта туман мекдесида очик дарслар ташкил этилади. Мактаб ўқитувчилари ўн беш кунда бир марта семинар, ҳафтада бир марта фестивал дарсларини ҳам ўтиб бериши белгиланган. Педагоглари барчаси ўз шахсий ноутбукига эга. Ундан фойдаланиб, машғулотларнинг қизиқарли ва фойдали бўлишига эришмоқдалар.

— Мен тумандаги 29-умумтаълим мактабидан она тили ва адабиёт фанидан дарс бераман, — деди яна бир суҳбатдошимиз Хуршидахон Солиева. — Ўқувчиларнинг бошида «Ўрган-

ўргат» тавсиялар мажмуасини амалга ошириш учун ҳамкор мактаб танлаётган пайтда иккиланмай 2-ИДУМни танладим. Сабаби, у ерда меҳнат қилаётган она тили ва адабиёт фани муаллимларининг барчаси ўз касбининг устаси ва фидойиларидир. «Она тили ва адабиёт фанларининг ўқитилиши орқали ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини ривожлантиришда замонавий педагогик технологиялар ва АКТнинг ўрни» мавзусида ўтказилган илмий-амалий семинарда мактаб ўқитувчилари очик дарс ўтиб берди. Айниқса, Гулбаҳор Мамажонованинг «Хайрат ул-аброр» дostonида берилган ўнинчи мақолат юзасидан суҳбат», Умида Исмоилованинг «Қатор келган унлилар талаффузи ва имлоси» мавзусидаги очик дарсларини кузатиб, ўзим учун зарур маълумотларни олдим.

Мактабда методбирлашмалар фаолияти, методик

кенгаш ўтказиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш, педагогик юкламалар баҳарлишини ўрганиб чиқиш, синф журналининг юритилиши, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларига тайёрларик кўриш каби ишлар ҳам «Ўрган-ўргат», «Дарс — муқаддас» тавсиялари асосида намуна йўлга қўйилган. Бу, албатта, натижаларда буй кўрсатмоқда. Ўтган ўқув йилида рус тили, физика, математика, кимё ўқитувчилари «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловининг туман босқичида биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичида муносиб қатнашган бўлса, 2013-2014 ўқув йили она тили ва адабиёт муаллимаси Зоҳидохон Жабборов ва вилоятда иккинчи ўринни қўлга киритди.

Шу ўқув йили ўтказилган билимлар беллашувининг туман босқичида мактаб ўқувчиларининг 14 нафари ғолиб чиқиб, вилоят босқичида ҳам муносиб иштирок этди.

Шарифа МАДРАХИМОВА

Педагогик иш фаолиятимда дудук-ланадиган, тана аъзолари пир-пир учадиган, агрессив, тунги ва кундуз-ги энурез, бош огриши, зарарли одатларга берилиш, хавотирланиш ва кўзалувчанлик ошиб кетиши оқибатидаги турли соматик (жисмоний) аломатлари бор болалар билан ишлашга тўғри келган. Бу касалликлар нима сабабдан пайдо бўлаётганига кўп вақтлардан бун жавоб излардим. Кузатувлар ва тажрибам асосида амин бўлдимки, бу «дарактнинг шох-лаб кетиши»га ўхшайди. Дарактнинг илдизи битта бўлгани каби, хавотирнинг ҳам манбаи — болаликда орттирилган кўркүв. Чунки кўркүв инсон онгига бўйсунмай, ҳаётдан хурсанд бўлиш имкониятини бермайди, вужудни ич-ичидан қемиради.

Кўркүв нима ўзи?

Кўркүв илк биологик босқичда инсон организмда гормонал портлашга олиб келувчи қонга кўп микдорда адреналин ажралиб чиқарилиши билан характерланади. Психологик босқичда ушбу гормонларнинг ажралиб чиқиши билан кузатиладиган кўркүв вазиятлари намён бўлади.

Хар қандай ўқитувчи ва синф раҳбари портфелида севган ўйинчоғини олиб келадиган, сузишдан кўрқадиган, элмашда жазавга тушадиган, тасодифий товушлардан чўчийдиган ўқувчиларни бемалол эслаб, у ҳақида сўзлаб бериши мумкин. Кўпгина вазиятларда бола ота-онаси ёки ўқитувчиларига ёқиш, уларни ўйлаётган нарсалари билан хавотирга сомаслик учун кўркүвни «ичига ютади», натижада невроз касаллигига чалиниши мумкин.

Янги туилган гўдак кўркүвни билмайди. Каравотчаси четиға ҳадиксирамай эммаклаб боради, ўткир пичоқ ёки санчқини олишга интилади, иссиқ пелларни ушлаб кўрмоқчи бўлади. Аксарият ота-оналар эндиғина атроф-муҳитни англаб бораётган гўдақни ташқи таъсирлардан ҳимоялаш мақсадида кўрқитиш оҳанғида чеклашга интилади. Унутмаслик лозимки, беҳосдан айтиб юборилган сўз, ҳаддан ташқари асраб-авайлаш ёки сабабсиз дўқ-пўписа болада кўркүв ёхуд хавотирланиш тўйсуғини ҳосил қилади. Натижада ўзимиз фарзандларимизни кўрқоқ қилиб қўямиз. Бу касалликка (фанларни ёмон ўзлаштириши, шахсий ҳаёти йўлга қўйилмагани, дўстлари йўқлиги) олиб келганини англаган ҳаммасини тутазтишга интиламиз-у, лекин энди кеч бўлган, бунинг оқибати ёмон тугаши мумкин. Чунки болаликда миға ўрнашган «дастур» қатъий ишлайди. Бора-бора кўркүв яна қучайиб, рефлекс даражасига кўтариллади, онг остига ўтади.

БОЛАНГИЗ БОТИР БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСМИ?

унда болаликда орттирилган кўркүвни бартараф этишнинг педагогик-психологик усулларида хабардор бўлинг!

Кўркүвнинг 29 қиёфаси

Кўркүв ва унинг намён бўлиши ҳақида мушоҳада юритганда болада уларнинг қай бири меъёрий ёки қайсиси патологик ҳолат эканини тушуниб олиш мумкин. Педагог-психологлар бола туғилгандан 16–18 ёшгача бўлган даврда ҳис қиладиган 29 та кўркүвни белгиланган.

Қуйидаги «Болалар кўркүвлари (меъёр)» жадвалида кўркүвлар жинс ва ёш ҳусусияти жиҳатидан тахлил қилинган (*белгиси билан берилган кўркүвлар ёшга мос одатий ҳолат ҳисобланади):

Таблим-тарбияга масъул бўлганлар, ҳусусан, ота-оналар қуйидаги инқирозли даврларга алоҳида аҳамият бериши лозим: умумий кўркүвлар ўғил болаларда 3–4 ёшда қамайиб борса, қиз болаларда 6–7, 11–12 ёшларда кўпайади. 7 ёш энг мураккаб давр. Соғлом болада 12 ёшда ҳадиклар қамайиши, 16–18 ёшда эса кўркүвлар кучли ҳис қилинамслиғи керак. Аксинча бўлса, бола руҳий жиҳатдан ёшга мос эмаслиги, депрессияга мойиллигидан далолат беради.

Кўз олдимизга келтирайлик: бола дўконда йўқолиб қолди. У кўрқиб кетган, йиғламоқда, нима қилишини билмайди. 3–4 ёшли боланинг ўзини шундай тутиши меъёрий ҳолат, лекин 12–13 ёшли бола учун бу нуқсон саналди.

Замонавий психологика юқоридаги 29 кўркүвни қуйидагича бўлиб ўрганади:

- миға ўрнашиб қолган кўркүвлар;
- ҳаёлий, асоссиз кўркүвлар;
- «юқори қийматга эга» кўркүвлар.

Миға ўрнашиб қолган кўркүвларга гипсофобия (баландликдан кўрқиб), клаустрофобия (ёпиқ жойлардан ҳадиксираш), агрофобия (очик жойлардан ҳадиксираш), ситофобия (овкат еб қуришдан кўрқиб) қабилирчи мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ҳаёлий, асоссиз кўркүвларнинг намён бўлиш сабабларини аниқлаш мушкул. Масалан: нима учун бола қандайдир ёмакни (мевалар, сабзавотлар ёки гўшт) ёйишдан бош тортади, оёқ қийимини қийиш, пойабзалигини иппарини боғлаш ёки кечқурун тувакка ўтиришдан кўрқади? Ҳаёлий кўркүвлар кўпчина бола руҳиятида жиддий оғишлар борлигини кўрсатади, бу аутизм ривожланишининг илк қўринишидир.

«Юқори қийматга эга» кўркүвлар қан-

дайдир қоялар билан боғлиқ ҳолда намён бўлади. Дастлаб ҳаётий вазиятларда учраб турган кўркүв кейинчалик шунчалик аҳамиятга эга бўлиб борадики, бола бошқа нарсалар ҳақида уйлай олмайдди. Доскага чиқиб жавоб беришдан ҳам кўрқадди. «Юқори қийматга эга» кўркүвлар 90 фоиз ҳолатда педагоглар, психологлар амалиётида учрайди. Бу пайтда боланинг имкониятлари гўё қулфланади, қаттиқ ҳаяжонга тушади. Қоронғиликдан (бола тасаввурда кўрқинчли алвасти, махлуқ, арвоҳ намён бўлади), эртак қаҳрамонлари, шунингдек, йўқолиб қолиш, тажовуз қилиш, сув, олов, орик ва кескин товушлардан кўрқиб ҳам шу турга қиради.

Кўркүв оқибатида болаларда турли одатлар пайдо бўлади. Улар кўпчина атрофдагиларни хайратга солади. Масалан, бола қоронғи хонага киришдан кўрқгани учун аввал қуйидаги тамоилни баҳаради: эшик тутқичини силаб, унга ёқимли сўзларни пичирлайди, шундан кейин хонага кириб, турган жойида 10 марта сарқайди. Бу гипертрофик (меъёрдан ортган) кўркүвда бола руҳиятини ҳимоялашнинг бузилган реакциясидир.

Кўпчилик гинеколог ва доялар болалар кўркүви неврозига асосан онанинг ҳомиладорлиги пайтидаги кучли эмоционал ҳолати таъсирини сабаб қилиб кўрсатади. Бунда негатив таъсир ҳомила тушиб қолиши таҳдиди орқали характерланади. Гормонал босқичда, тирик қолиш хавотирини ҳомиладор даврида бошидан кечирган гўдак кейинчалик ҳам кўркүвни тезроқ илғаб, чўқурроқ ва кескинроқ ҳис қилади.

Кўркүв неврози онанинг барча аъзоларига гўтувчи наслик касаллик бўлиши ҳам мумкин. Бу ерда асаб тизмини ва унинг ҳусусиятлари, бош мия яримшарлари ораси асимметрии типини мерос қилиб олганлиги назарда тутилмоқда. Бир аёл ифлос бўлиб қоллишдан ҳаддан ташқари кўрқиб (мизофобия) натижадада ҳамма вақт қўлини, тўхтовсиз қийимларини ювади. Унинг қизи ўсмирлик чоғида бир неча бора ўз жонига суиқасд қилмоқчи бўлди. Чунки суиқасд ҳам ҳаёт олдидидаги кўркүв ҳисобланади.

Ота-онанинг бола жинсидан норозилиги, кеч туғилган ёки қутилмаган фарзанд, оилавий низолар, тўлиқсиз оила муҳити иродаси бўш, асабий шахснинг шаклланишига сабаб бўлади.

Низоли оилаларда кўпична мурғакки-на бола ота-онаси жанжалга сабаб бўлиб қолишдан кўрқади. Шуниси, ички, оилада отанинг роли баянда, фаол бўлса, болада кўркүв неврози ривожланмайдди. Она кучли, феолюк бўлган оилаларда бунинг акси. Шу боис бола меъёрий ривожланиши учун эркак хулқ-атворининг намунавий шакли бўлиши зарур. Нотўлиқ оила юзага келганда бу вазифани бува, тоға ёки бошқа яқин қариндошлар бажариши лозим.

Тарбиядаги хатоликлар

Педагоглар фикрича, кўркүв неврозига ота-онанинг худбинлиги сабаб бўлади. Қуйида уларни қўриб чиқамиз.

Оиладаги аънанавийлик муносабати. Бундай оилаларда бола билан муносабатлар «бажариши керак», «мажбур» тамоилии асосида ташкил қилинади. Ўғил бола рассомлик билан шуғулланишини хоҳлайди, лекин отаси ҳақиқий эркак киши қаратэ билан шуғулланиши керак деб ҳисоблайди. Бола отасининг қатъий

2014-yil Sogʻlom bola yili

талабига бўйсунди, лекин сустлиги, қовушмаган ҳаракатлари билан мураббийдан танбеҳ эшитида, ўртоқлари орасида масҳара бўлади. Ўз қўбилиятига мос, имконияти даражасидаги нарсаларни қабул қилиш ўрнига ўзини заиф сезади, машқлар билан бажара олмасликдан кўрқади. Оқибатда ўзига ишонсизлик юзага келади.

Эмоционал шантаж. «Сен шундай ёмон иш қилганинг учун мен оғир аҳволдаман», «Ўзингни шундай тутаверсанг, яқинда мени ўлдирасан», «Агарда мен ўлсам, фақат сен сабабчи бўласан»... Ота-она шу тахлит жавраб, болани қийи-верса, мурғак қалбнинг туб-тубида катталардан ғазабланиш, ўч олиш иштиёқи ёнади ва «Ростдан ҳам, шундай фалокат! юз берса-чи?» деган ҳадик миясида чарх уради. Ўзини ота-онаси хоҳлагандек тутмагани учун хавотир ва кўркүв хисси қўпаяди, бора-бора исёнга айланиб, фарзанд уйдан қочиб кетади ёки ота-онасини умуман ҳурмат қилмай қўяди.

Ошқоро таҳдидлар. Айрим оилаларда болага тарбияда мос келмайдиган сўзлар билан мурожаат этилади: «Ҳозирок бажар!» «Агар мактабга бормасанг, сен болани...» каби. Бола ота-онасидан кўрқгани учун буйруқни сўзсиз бажаради. Борди-ю, вазифани уудалай олмаса, уни қаттиққўллик билан жазолайдилар. Жазолашга нисбатан кўркүв патологияси бўлган бола одатда кам табассум қилади, умуман кулмайди, майда қадам ташлаб бўқчайиб юради, нарсас-ҳодисалар мағзини чақа олмайди, фақатгина айтилган ишни бажаришга ўрганиб қолади.

Ота-она таъиқки. Баъзилар фарзандининг хатлари, қайдларини ўқийди, чўнтақлари, портфелини доимо қавлаб, текшириб туради. Уларнинг асосий таъиқли — назорат, назорат ва яна назорат. Бола юзига етган бўлса-да, унга ким билан дўстлашиб, қаерга бориши ишора қилиб турадилар. Оқибатда болада шахсий масъулиятни амалга ошириш кўркүви шаклланади. У хар доим хато қилишдан, қарор қабул қилишдан чўчи-ида, атрофдагилардан барча нарсани кўп мартадан сўрайверади. Ота-она шунини тушуниши керакки, ҳатто гўдакча ҳам шахсий ҳаёт, ўзига тегишли маънавий ва руҳий майдон зарур. Ана шунда ўсмирлик чоғида хавотир, болалик кўркүвлари унутлиб кетади.

Ота-она эътиборсизлиги. Кўпчилик ота-оналар меҳмонга, концертга ёки дам олишга фарзандларисиз боради. Бундай пайтда бола ўзини ташлаб кетилгандек сезади, унинг муаммолари ва кўркүви ҳақида ҳеч ким гаплашмаётганидан эзил-ида. Ёлғиз қолиш кўркүви юзага келади. Фарзанди билан масофа сақлаб гаплашадиган оилаларда ўсмир зарарли одатлар — алкоғолизм, гиёҳвандликка мойил бўлади. Ўзига дўст излайди, тенгдошлари томонидан руҳий қўллаб-қувватланиши истайди. Натижада кўпична товламачилик ва ёлғонлар қурбони бўлиб

қолади. Ичкиликка ва гиёҳвандликка берилиш ҳам кўркүвни енгил илинжидаги пуч қатлардир.

Оилада меҳрининг йўқлиги. Бундай ҳолларда одатда оила аъзоларининг ўз ҳусусий ҳаёти, ташвишлари бўлади. «Дадажон, мен сиз билан гаплашмоқчиман», дейди кичкинтой ўғил. «Сен-чи, яхшиси, онангга бор, менинг вақтим йўқ», дея жавоб қайтаради ота. Ранжиган бола онанинг олдига борса, унинг ҳам иши «бошидан ошиб» ётибди. Ўртада фарзанд меҳр ва уни тушунишларини истаб юра-ғини ёкиб юбориши ва: «Мана, сен чизган кўрқинчли махлуқдан кичкинагина кул уюми қолди, сен билан бу кулни ҳам пуфлаб юборамиз, кейин кўркүвинг ўз-ўзидан йўқолиб қолади», деб тушунтириш ва уни бажариши керак. Бу ғайри-оддий усул кўпчина ижобий таъсир кўрсатади. Керакли натижага эришилгунга қадар ундан бир неча бор фойдаланиш мумкин.

Кўркүв мавзусида ҳикоя ёзиш. Бундай вазиятда педагогининг вазифаси бо-лани реал ҳаётга қийлаштириб, у ҳис қилаётган кўркүв асоссиз эканини тушунтиришга қаратилади. Бу тўзиладиган ҳикояга ҳазил-мўтойиба элементларини киритиш орқали амалга оширилади. Такрибамдан бир мисол келтирсам. Синфдаги саккиз ёшли Малика айикдан жуда кўрқарди. Унинг тасаввуринча, айик тунда улар ўшаёқидан уйга кириб, уни еб қўйиши мумкин экан. Шу сабаб уйқуси бузилган, иштаҳаси йўқолиб, мавзуларни ўзлаштириш пасаёган эди. Индивидуал машғулотларда Малика билан бир-га айик расмини чиза туриб, унга айик қаерда яшайи, нималар қилиши ҳақида ҳикоя қилиб бердим.

Кейинги машғулотда унга айик акс этган расмларни кўрсатдим. Қизчага шу расмлар асосида «Бугирсок», «Айик ва Маша», «Маймоқ ва қизалоқ» каби эртакларни об-разли қилиб айтиб бердим. Бу эртакларда айик беозор, ишонувчан, лақма жони-вор сифатида тасвирланган бўлиб, Малика ҳатто эртаник эшитиб айикқа ачиниб ҳам қўйди.

Шундан сўнг Малика билан айикнинг кечқурун меҳмонга боргани ва йўлда ада-иш қолгани ҳақида ҳикоя тўздик. Адаиш қолгани қўлиб кимнингдир деразасига қимчоқчи бўлганда, дўмбоқ ва бесўнақай-лигидан думалаб кетиб қор уюмига кириб қолдиб. Бу ҳикояни эшитган Малика яна айтиб беришини такрор-такрор сўраб, баралла қуларди. Энди уни катта ва ёвуз айик ҳеч ҳам қўрқитмай қўйди.

Тасаввур қилиш ва сахналаштирувчи ўйинлардан фойдаланиш. Дарсдан ташқари, маънавий-маърифий ишлар ўтказиладиган пайтда ўқувчиларга эртак ёки кўрқинчли воқеани тўқшини тавсия қилиш мумкин. Табиийки, кўркүв неврози бўлган болалар охири қайгули тугай-диган воқеаларни ўйлаб топади. Педа-гогининг вазифаси бола тузган воқеалар асосида сахналаштирилган ўйинни таш-кил этишдан иборат. Бунда болани маж-бурлаш ярамайди. Яхшиси, бола қайси ҳикояни сахналаштиришни ўзи тақлиф қилсин. Муаллифнинг ўзи ролларни бўлиб, томошани бошлайди.

Тажрибамда шундай ҳолат бўлган эди: 3-синфда дарсдан ташқари машғулот ўтказавётганимда бир бола ўғри тунда бир уйга кириб, ҳаммани ўлдиргани ҳақидаги ҳикояни ўйлаб топди. Аммо сахнада ўғри қиёфасини яратиши лозим бўлган бола воқеалар ривож шундай кечса, роль ўйнамаслигини айтиб, ўзининг янги ғояси-ни тақлиф қилди. Унинг фикрича, ўғри уйга кирганда ухлаб ётган итни билмас-дан босиб олади. Ит қаттиқ вовуллади ва уйдагиларнинг ҳаммаси уйғониб кета-ди. Улар биргаликда ўғрини ҳайдаб юбо-радилар. Саҳна қуриниши болалар то-монидан кучли ҳаяжон билан ижро этил-ди, ҳатто қайгули воқеани тузган бола ҳам жуда мамнун бўлди.

Юқори синф ўқувчилари билан маш-ғулотларда унча катта бўлмаган диалог-лардан иборат, ижобий ва салбий қаҳра-монлар қатнашган реал воқеалардан фой-даланиш мумкин. Педагог қуйидаги мав-зуларни тавсия этади: «Кўчада ўртоғин-ғизни қутатиш», у эса узок вақтдан бунён келмапти», «Сизни йўлда миллиционер тўхтади», «Яқин ўртоғингиз билан тор-тишиб қолдингиз», «Кўчада сингилчангиз

факкурда англаб қўрилмаган кўркүв ан-глаш жараёнига ўтказилади ва бола ўз кўркүви ҳақида уйлаб, ундан мустақил ҳалос бўлиши мумкин.

Бу усулни қўллаганда айрим болалар қорознинг орқа тарафига расм чизишдан бош тортади. Кўркүви жуда кучли экани-ни ва ундан ҳалос бўлиш учун нима қилиш кераклигини билмаслигини айта-ди. Шундай ҳолатда психологлар қуйи-дагича йўл тутишни тавсия этади: педа-гог ёки психолог бола билан биргалик-да унинг ўз кўркүви акс этган расм вара-ғини ёкиб юбориши ва: «Мана, сен чиз-ган кўрқинчли махлуқдан кичкинагина кул уюми қолди, сен билан бу кулни ҳам пуфлаб юборамиз, кейин кўркүвинг ўз-ўзидан йўқолиб қолади», деб тушун-тириш ва уни бажариши керак. Бу ғайри-оддий усул кўпчина ижобий таъсир кўрсата-ди. Керакли натижага эришилгунга қадар ундан бир неча бор фойдаланиш мумкин.

Кўркүв мавзусида ҳикоя ёзиш. Бундай вазиятда педагогининг вазифаси бо-лани реал ҳаётга қийлаштириб, у ҳис қилаётган кўркүв асоссиз эканини тушунтиришга қаратилади. Бу тўзиладиган ҳикояга ҳазил-мўтойиба элементларини киритиш орқали амалга оширилади. Такрибамдан бир мисол келтирсам. Синф-даги саккиз ёшли Малика айикдан жуда кўрқарди. Унинг тасаввуринча, айик тунда улар ўшаёқидан уйга кириб, уни еб қўйиши мумкин экан. Шу сабаб уйқуси бузилган, иштаҳаси йўқолиб, мавзуларни ўзлаштириш пасаёган эди. Индивидуал машғулотларда Малика билан бир-га айик расмини чиза туриб, унга айик қаерда яшайи, нималар қилиши ҳақида ҳикоя қилиб бердим.

Кейинги машғулотда унга айик акс этган расмларни кўрсатдим. Қизчага шу расмлар асосида «Бугирсок», «Айик ва Маша», «Маймоқ ва қизалоқ» каби эртакларни об-разли қилиб айтиб бердим. Бу эртакларда айик беозор, ишонувчан, лақма жони-вор сифатида тасвирланган бўлиб, Малика ҳатто эртаник эшитиб айикқа ачиниб ҳам қўйди.

Шундан сўнг Малика билан айикнинг кечқурун меҳмонга боргани ва йўлда ада-иш қолгани ҳақида ҳикоя тўздик. Адаиш қолгани қўлиб кимнингдир деразасига қимчоқчи бўлганда, дўмбоқ ва бесўнақай-лигидан думалаб кетиб қор уюмига кириб қолдиб. Бу ҳикояни эшитган Малика яна айтиб беришини такрор-такрор сўраб, баралла қуларди. Энди уни катта ва ёвуз айик ҳеч ҳам қўрқитмай қўйди.

Тасаввур қилиш ва сахналаштирувчи ўйинлардан фойдаланиш. Дарсдан ташқари, маънавий-маърифий ишлар ўтказиладиган пайтда ўқувчиларга эртак ёки кўрқинчли воқеани тўқшини тавсия қилиш мумкин. Табиийки, кўркүв неврози бўлган болалар охири қайгули тугай-диган воқеаларни ўйлаб топади. Педа-гогининг вазифаси бола тузган воқеалар асосида сахналаштирилган ўйинни таш-кил этишдан иборат. Бунда болани маж-бурлаш ярамайди. Яхшиси, бола қайси ҳикояни сахналаштиришни ўзи тақлиф қилсин. Муаллифнинг ўзи ролларни бўлиб, томошани бошлайди.

Тажрибамда шундай ҳолат бўлган эди: 3-синфда дарсдан ташқари машғулот ўтказавётганимда бир бола ўғри тунда бир уйга кириб, ҳаммани ўлдиргани ҳақидаги ҳикояни ўйлаб топди. Аммо сахнада ўғри қиёфасини яратиши лозим бўлган бола воқеалар ривож шундай кечса, роль ўйнамаслигини айтиб, ўзининг янги ғояси-ни тақлиф қилди. Унинг фикрича, ўғри уйга кирганда ухлаб ётган итни билмас-дан босиб олади. Ит қаттиқ вовуллади ва уйдагиларнинг ҳаммаси уйғониб кета-ди. Улар биргаликда ўғрини ҳайдаб юбо-радилар. Саҳна қуриниши болалар то-монидан кучли ҳаяжон билан ижро этил-ди, ҳатто қайгули воқеани тузган бола ҳам жуда мамнун бўлди.

Юқори синф ўқувчилари билан маш-ғулотларда унча катта бўлмаган диалог-лардан иборат, ижобий ва салбий қаҳра-монлар қатнашган реал воқеалардан фой-даланиш мумкин. Педагог қуйидаги мав-зуларни тавсия этади: «Кўчада ўртоғин-ғизни қутатиш», у эса узок вақтдан бунён келмапти», «Сизни йўлда миллиционер тўхтади», «Яқин ўртоғингиз билан тор-тишиб қолдингиз», «Кўчада сингилчангиз

йўқолиб қолди», «Мактабга кеч қолдин-гиз» ва ҳокazo. Мавзулар доирасида бо-ларнинг рол ўйнайди.

Фильмлардан фойдаланиш. Бу ме-тод ҳам яхши самара беради. Фильм ай-нан ўша кўркүв мавзусида (масалан, тўфон, сув тошқинидан кўрқиб) бўлиши ва, албатта, ижобий ақун топиши зарур.

Кўркүв билан «очик жанг». Синфид-а уйда яқиндагина ёнган содир бўлган Акбар исми ўқувчи билан иш олиб бо-ришимга тўғри келди. У вазмин, яхши хулқли, ёқимтой бола эди. Фалокатдан сўнг уйда ёлғиз қолиш, лифт, тор ва ёпиқ биноларга киришдан чўчийдиган бўлиб қолди. Самарали ечим топиш учун бола ўз муаммолари билан курашиши, кўркүв-га қарши «очик жанг» олиб бориши зар-ур эди.

У билан елим ёрдамида қорғозлардан чиройли ҳайвонлар шаклини ясадик. Рангли қорғозлардан ясалган қуёнча, қий-иқча, тойчоқ ва айқинчи биринчи кун синфхонадаги шафқаг териб қўйдик. Ик-кинчи кун пластилиндан ошхона анжом-ларини ясаи бошладик ва уларни қаёққа қўйиш ҳақида ўйладик. Мен унга синф ёндағи жавонлари кўп, хар доим ёпиқ турадиган кичик хонани тақлиф қилдим. Биринчи кун хонага у билан кириб, ўйинчоқларни жавонга жойлаштирдик. Сўнг унга эртага шу хонада ўйинчоқлар-ни қандай қилиб чиройли жойлаштириш-ни ўйлаб қилишни вазифа қилиб топ-ширдим. Учинчи кун шох-шаббалардан аппликация ясадик. Акбар аппликация-ларни кичик хонага қандай жойлашти-ришни синфда ўтирган ҳолда ўйлаб бош-лади. Унга хоначага кириб, кечаги ўйин-чоқлар нечалигини санаб қилишни айт-дим. Топширикни бажариш учун кичик хонага кириб, 10 дақиқа ўша ерда қолиб кетди. Изидан борганимда Акбар ишга тушиб кетган, ўйинчоқларни ҳафсала би-лан жойлаштираётган эди. «Бир ўзинг бу хонада кўрқмадингми?» деб сўраганим-да, ўйинчоқлари у билан биргалиги учун бу ҳақида ўйламаганини ҳам айтди. Қун-дан-қунага ёпиқ, кичкина хонага кириш-дан чўчимайдиган, ҳатто ўйинчоқларини ўша ерда ясайдиган бўлди. Хонадаги ҳамма жавонлар у ясаган ўйинчоқларга тўлиб бўлганидан кейин унга ўз кўргаз-масини ташкил қилишни тақлиф этдим.

Бундан қувониб, ҳамма ўртоқларини ўз кўргазмасига — кичик хонага тақлиф қилди. Тенгдошлари ясаган буюмлари-дан завқланганини қўриб, ичига сиғмай-диган даражада хурсанд бўлди. Шундан сўнг Акбарнинг ота-онаси билан сўхбат-лашганимда ахвол ўзгарганини, энди уйда бир ўзи қолишга, алоҳида хонада ухлашга кўрқмаётгани, аввалгидек қувноқ, бўш қолди дегунча турли буюм-лардан ўйинчоқлар ясаётганини айтди. Демак, у нафақат кўркүвни енгди, балки дўстлари, яқинларига кераклигини ҳам англади.

Жисмоний машқлардан фойдала-ниш. Бир она шифокорлар қизига соғ-

Фарзандимнинг менга ёқмади (салбий) жиҳатлари	Фарзандимнинг менга ёққан (ижобий) жиҳатлари
1.	1.
2.	2.
3.	3.

Айрим ота-оналар фарзандининг фақатгина салбий томонларини қўриб, шунга ургу бераверишса, баъзилари болани 6–7 соат давомида уй ишларини бажаришга мажбур қилади. Иккинчи тоифа ота-оналар фикрича, бўш қолган бола бебошлики бошлайди, ўртоқларига қўшилиб безори бўлиб кетади. Шу боис ота-оналар билан иш олиб борганда 6–10 ёшли болалар қун тартибини қандай тузиш ҳақида тушунча бериш фойдадан холи бўлмайди. Боланинг уйқуси, дарс қилиш ва сайр қилишининг меъёрий вақти қуйидаги жадвалда келтирилган:

Машғулот тури	6–7 ёш	8 ёш	9–10 ёш
Уйқу	12 соат	11 соат	10,5 соат
Уй вазифасини бажариш	1 соат	1,5 соат	2 соат
Сайр қилиш	3,5 соат	3,5 соат	3,5 соат

Бундай қун тартиби дудуклиб гапирадиган, боши тез-тез оғрийдиган, агрессия ва турли соматик белгилар билан азият чекадиган болаларнинг психологик ҳолатини меъёрлаштириш, руҳий мувозанатини тиклашга ёрдам беради.

Бош мақсадимиз руҳий ҳамда жисмоний нуқсонлардан холи, баркамол фарзанд-ларни тарбиялаб, воғга етказишдан иборат экан, демак, бу вазифага чин дилдан қиришмоғимиз, ўқувчиларнинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб ўлғайишига муносиб ҳисса қўшмоғимиз лозим. Бу хар бир педагогининг ҳам инсоний, ҳам касбий буркидир.

Шаҳноза АКРАМОВА,
педагогика фанлари номзоди

||
||
||

2014-2015 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1-, 2-, 3-, 8-, 9-синф ўқувчиларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган 4-MPT-2014/4-рақамли, 6-MPT-2014/6-рақамли, 7-MPT-2014/7-рақамли ҳамда 8-MPT-2014/8-рақамли Тендер савдоларида ғолиб бўлган иштирокчилар номи

Лот рақами	Қўлланма номи	Тили	Синф	Адади	Ғолиб наشريётлар номи	
4-MPT-2014/4-рақамли Тендер савдолари бўйича						
15	Ўзбек тили	рус ва қардош тиллар учун	2	90 687	«Ўзбекистон» НМИУ	
30	Тасвирий санъат	ўзбек	3	452 489	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ	
		рус		61 455		
		қорақалпоқ		9 880		
		қозоқ		5 810		
		тожик		7 404		
		қирғиз		893		
34	Адабиёт (1-қисм)	ўзбек	8	421 734	Фафур Фулом номидаги НМИУ	
	Адабиёт (2-қисм)	ўзбек		421 734		
	Литература (1 часть)	рус		47 038		
	Литература (2 часть)	рус		47 038		
	Адабиёт (A'debiyat)	қорақалпоқ		10 075		
	Адабиёт (Эдебиет)	қозоқ		5 472		
	Адабиёт (Адабият)	қирғиз		843		
	Адабиёт (Адабиёт)	тожик		7 830		
37	Геометрия	Адабиёт (Edebilyat)	туркман	1 021	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ	
		ўзбек	8	421 734		
		рус		47 038		
		қорақалпоқ		10 075		
		қозоқ		5 472		
		тожик		7 830		
39	География	қирғиз		843	«Шарқ» НМАК	
		туркман		1 021		
		ўзбек	8	421 734		
		рус		47 038		
		қорақалпоқ		10 075		
		қозоқ		5 472		
		тожик		7 830		
		қирғиз		843		
52	Кимё	туркман		1 021	«Ўзбекистон» НМИУ	
		ўзбек	9	426 540		
		рус		42 943		
		қорақалпоқ		10 075		
		қозоқ		5 592		
		тожик		7 830		
56	Ўзбекистон тарихи	қирғиз		843	«Шарқ» НМАК	
		туркман		1 021		
		ўзбек	9	426 540		
		рус		42 943		
		қорақалпоқ		10 075		
		қозоқ		5 592		
6-MPT-2014/6-рақамли Тендер савдолари бўйича						
41	Одам ва унинг саломатлиги	қирғиз		843	«Ўқитувчи» НМИУ	
		туркман		1 021		
		ўзбек	8	421 734		
		рус		47 038		
		қорақалпоқ		10 075		
		қозоқ		5 472		
44	Иқтисодий билим асослари	тожик		7 830	«Ўзбекистон» НМИУ	
		қирғиз		843		
		туркман		1 021		
		ўзбек	8	421 734		
		рус		47 038		
		қорақалпоқ		10 075		
46	Чизмачилик	қозоқ		5 472	«Ўзбекистон» НМИУ	
		тожик		7 830		
		қирғиз		843		
		туркман		1 021		
		ўзбек	8	421 734		
		рус		47 038		
51	Геометрия	қорақалпоқ		10 075	«Ўзбекистон» НМИУ	
		қозоқ		5 592		
		тожик		7 830		
		қирғиз		843		
		туркман		1 021		
		ўзбек	9	426 540		
53	Физика	рус		42 943	Фафур Фулом номидаги НМИУ	
		қорақалпоқ		10 075		
		қозоқ		5 592		
		тожик		7 830		
		қирғиз		843		
		туркман		1 021		
58	Иқтисодий билим асослари	ўзбек	9	426 540	«Ўзбекистон» НМИУ	
		рус		42 943		
		қорақалпоқ		10 075		
		қозоқ		5 592		
		тожик		7 830		
		қирғиз		843		
59	Конституциявий ҳуқуқ асослари	туркман		1 021	«Шарқ» НМАК	
		ўзбек	9	426 540		
		рус		42 943		
7-MPT-2014/7-рақамли Тендер савдолари бўйича						
5	Математика	қорақалпоқ		11318	«Ўзбекистон» НМИУ	
		қозоқ		6177		
		тожик		5832		
		қирғиз		904		
		туркман		998		
		ўзбек	1	498270		
6	Математика дафтари	рус	1	67827	«Ўзбекистон» НМИУ	
		қорақалпоқ		11318		
		қозоқ		6177		
		тожик		5832		
		қирғиз		904		
		туркман		998		
8	Одобнома	ўзбек	1	498270	Фафур Фулом номидаги НМИУ	
		қорақалпоқ		11318		
		қозоқ		6177		
		тожик		5832		
		қирғиз		904		
		туркман		998		
11	Тасвирий санъат	ўзбек	1	498270	Фафур Фулом номидаги НМИУ	
		рус		67827		
		қорақалпоқ		11318		
		қозоқ		6177		
		тожик		5832		
		қирғиз		904		
12	Жисмоний тарбия	туркман		998	«Ўзбекистон» НМИУ	
		ўзбек	1	498270		
		рус		67827		
		қорақалпоқ		11318		
		қозоқ		6177		
		тожик		5832		
31	Музыка	қирғиз		904	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ	
		туркман		998		
		ўзбек	3	452489		
		рус	3	61455		
		қорақалпоқ	3	9880		
		қозоқ	3	5810		
45	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	тожик	3	7404	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ	
		қирғиз	3	893		
		туркман	3	1014		
		ўзбек	8	421734		
		рус	8	47038		
		қорақалпоқ	8	10075		
57	Жаҳон тарихи	қозоқ	8	5472	«Ўқитувчи» НМИУ	
		тожик	8	7830		
		қирғиз	8	843		
		туркман	8	1021		
		ўзбек	9	426540		
		рус	9	42943		
8-MPT-2014/8-рақамли Тендер савдолари бўйича						
47	Она тили	ўзбек	9	426540	«Ўқитувчи» НМИУ	
		Русский язык	рус	9		42943
		Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili)	қорақалпоқ	9		10075
		Қозоқ тили (Қазақ тілі)	қозоқ	9		5592
		Қирғиз тили (Кыргыз тили)	қирғиз	9		843
		Тожиқ тили (Забони тоҷики)	тожик	9		7830
	Туркман тили (Turkmen dili)	туркман	9	1021		

2014-yil 19-aprel, № 32 (8681)

Юртни севиш учун уни билиш керак. Билиш учун у ҳақдаги асарларни ўқиш, маълумотларга эга бўлиш баробарида кўриш, кезиш, сезиш, учрашув, мулоқотлар ўтказиш, таассуротларни юракдан ҳис этиш лозим. Кўнгал яқин бўлса, масофа узоклиги сезилмайди. Сурхондорёга ҳар борганимда кўп ўзгаришлар, янгиликлар кўриб қайтаман. Бу сафар "Боинг-747" ҳаво лайнерида учиб бордик. Тушгач, ангарда "Люфтганза" ва бошқа компаниялар самолётлари савлат тўкиб тургани, Термиз аэропорти халқро аэропортлар сафидан жой олганини кўриб, гурур ҳиссини туйдик.

Сафаримиз, анъанани кўра, Ҳаким ат-Термизий мажмуасини зиёрат қилишдан бошланди. Бу заманда Термизий деган қутлуг номни ўзига муносиб кўрган таниқли уламо, фузалолар кўп ўтган. Ҳаким Термизий мажмуасидан пишиқиб оқётган Амударё кўриниб туради. Дарёнинг нариги томонида яйдок ерлар, ҳар-ҳар жойда пастак иморатлар кўзга ташланади, бу томонда тобора обод, гўзал бўлиб, тўлишиб бораётган шаҳар — қиёс қилиш, хулоса чиқариш, тинчлик, хотиржамликка шукрона айтиш учун боп манзара.

Қадимда шаҳарларни Амударё бўйларида, соҳил бўйлаб ўттиз чакирим оралиғидаги жойларда қуришган экан, ҳам сув йўлидан, ҳам қуруқликдаги йўللardan савдо-сотикда, ҳарбу жанг, мудофаа ишларида, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, ҳаёт тарзида бу анча қулайлик туғдирар экан. Археолог олимлар маълумот беришларича, милoddан аввалги 1 мингйиллик ўрталарида бунёд этилган Термизнинг илк номи "Тармиша", арман манбаларида "Дирмат" тарзида машҳур бўлган, "Термиз", "Турмиз", "Тирмиз" номлари ҳам ишлатилган экан. Эски Термиз шаҳри ҳозирги шаҳардан 7 км шимоли-ғарбда, Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб жойлашган, уч қисмдан иборат, ҳар бир қисмининг ўз мудофаа девори, кўрғони, шаҳростони, работи бўлган — шаҳарнинг умумий майдони 500 гектардан зиёд экан.

Президентимиз Ислон Каримов "Қачонки ўлхамизга жануб тарафдан ёв ҳамла қилган бўлса, Термиз унинг қаршида метиндек кўрган

бўлиб келган. Термиз бугун ҳам она юртимизнинг жанубий сарҳадларида мустаҳкам қалъа бўлиб турибди", дея қадимий ва навқирон шаҳарга юқори баҳо берган ҳамда бу тупроқ азалдан илму ҳунар, ҳикмат ва санъат руҳи билан йўрилганлигини, имом ат-Термизий, авлиё Ҳаким

милoddан кейинги даврлардан то ҳозирги замонамизгача бўлган тарих бирма-бир жонланади. Омадимизни қарангки, булар ҳақида бизга Термиз давлат университети проректори, тарих фанлари доктори, археолог Шопўлат Шайдуллаев изоҳ бериб борди. Умрини қадимшunosликка бағишлаган, ўз соҳасининг билимдон олимининг Фаёзтепа, Қоратепа, Сополлитепа, Далварзентепа, Кампиртепа, Кучуктепа ва бошқа тепалардан топишган ёдгорликлар, Тешиктошдан топишган неандерталь одамлар суякларини, жез, палеолит, бронза, тош, темир даврлари, Бактрия, Кушон, эфталитлар, сўғдлар, массагетлар, тоҳарийлар давлатлари, уларнинг ҳаёт тарзи, урф-

муасидидаги мақбара арчасимон усулда нақшланган. Нақшларда, идишларда — кўп нарсдада симметрия, тенг тарози қоидаларига қатъий амал қилинган. Ҳайратангиз обидалардан бир нечаси ҳақидагина қисқа маълумот бердим, холос. Лекин акли лол қолдирувчи осори-атиқалар нусхалари, макетлари қанчадан-қанча, фақат музейни бориб кўриш керак. Музейнинг маъмурий хоналар жойлашган биринчи қавати йўлағида Сурхон воҳасида археологик қазималарда фаол қатнашган, тадқиқотлар олиб борган Я.Фулмонов, М.Массон, Г.Пугаченкова, Э.Ртвеладзе, А.Асқаров, Ш.Пидиев ва бошқа таниқли олимлар суратлари осиглиқ.

"Биргина Шеробод тума-

ҳашами ҳам ўзига яраша эди. Янги ўқув, тураржой мажмуасининг миқёси, салобатини кўриб ҳайратга тушимди, таъриф-таъсиф қилишганидан ҳам зўр, муҳташам. Гўзалликда, маҳобатда, жиҳозда бири билан бас бойлашгудек ўқув корпуслари, 400 ўринли талабалар тураржойи, 400 та компьютер билан таъминланган, бир вақтнинг ўзиде 800 талаба, ўқитувчи, магистр шуғулланишига имкон яратилган ахборот-ресурс маркази, спорт заллари, икки четиде кўркам арчалар, анвойи гуллар экилган йўлаклар, майдонлар, ҳар хил хушхўр егуликлар муҳайё кенг, озода ошхона. Тарих, филология, иқтисодиёт, педагогика факультетлари янги биноларга кўчиб ўтган. Таъмирлаш, янгилашлар давом этмоқда.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозимига тайинланганига тўрт ой бўлган доцент Ойбек Рўзиевнинг гайрати, ташаббускорлиги, иш юритиш тарзи ҳавас қилгувчи. Музейни эслатадиган кабинети, маънавият ва маърифат хоналарини кўрдик, маънавий-маърифий тадбирларнинг уч ойлик, ярим йиллик, йиллик режалари пухта тузилганлиги, энг муҳими, уларнинг вақтида бажарилиши, қозонда қолиб кетмаслиги қатъий назорат қилиниши қувонарли.

Сайробда баҳайбат кекса чинорлар савлат тўкиб турибди. Иккитасининг қуйи қисмида, Ургут чинорларидагидек, каттагина говак ҳўжа бўлиб, ўтирган қарияларнинг айтишича, чинор ёши минг йилдан ошса, ўз-ўзидан олов қариб қатнасида говак ҳосил қилар, лекин буткул ёниб кетмас, ўсишда давом этар экан. Қизиги, бир замоналар толиби илмлар ҳўжарачаларга тикилиб сабоқ олишган экан. Ўтмишдаги тор, зах, қоронғу дарсхоналар билан бугунги кенг, барча жиҳозлари муҳайё, ёруғ ўқув залларини қиёс қилинг-у, хулоса чиқаринг.

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси,
журналист

ТЕРМИЗИЙЛАР ИЗДОШЛАРИ



ота каби улуг зотларнинг ўлмас руҳи, ҳаётбахш ўғиллари баркамол авлодларни воёга етказганини алоҳида таъкидлаган эди.

Термиз ҳақида кўплаб илмий, бадиий китоб, мақолалар ёзилган, фотоальбомлар, теле-киноқўрсатувлар, радиозинтиртишлар яратилган. Меҳмонлар булар билан яхшироқ, чуқурроқ танишиш, билими, таассуротларини бойитишни кўнглига туғиши турган гап. Термизий боболар зиёратидан кейин Археология музейини кўрган маъқул. Бир маҳобатли, кўркам, бой музей қурилибдики, атроф-жавониде бунақаси йўқ. Кирсангиз, экспонатларни томоша қилсангиз, тасаввурингизда милoddан илгариги,

одатлари, қурган қалъа ва иморатлари, Будда, ҳумо ҳайкаллари, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, иш ва жанг қуроллари, танга ва муҳрлари, пиктографик, оромий ва бошқа ёзувлари ҳақидаги ашёвий далиллар, Пайғамбар оролидаги Зулқайфи мажмуаси ва ҳоказолар ҳақида келтирган маълумотларни жуда қизиқ.

Сополлитепа квадрат шаклидаги қалъа бўлиб, девори Т шаклида, асосий эшиги битта, лекин унга алдоқчи айланма (лабиринт) йўللар билан қирилган, яхши сақланган Шерқўрғон минорасида гиштининг ўзидан безак чиқарилган, ўйиб ҳарфлар битилган, "китоби белбоғ" дейиларкан. Султон Саодат маж-

нида аввал 37 ёдгорлик аниқланганди, энди улар сони 67тага етди, — дейди Шопўлат Шайдуллаев. — Сентябрь ойида "Окс цивилизацияси" мавзусида халқро анжуман ўтказилмоқчи. Хорижлик бир қанча олимлар қатнашишга розилик билдиришди. Япониялик, чехиялик ва бошқа юрт олимлари анчадан буён археологик қазималар ўтказишда иштирок этишаётгани маълум. Ўртбошимиз айтганидек, "Тарихий хотирасиз келажак йўқ".

Бугунги кунда Сурхон воҳасидаги энг йирик илм-таълим маскани Термиз давлат университети. Университетнинг илгариги биноси, бошқа уч-тўрт қаватли бинолардек, оддийгина, виқори,

ДЎСТЛИК ҚАНДАЙ НАМОЁН БЎЛАДИ?

Зиёрат қилиш мақсадида муқаддас қадамжолардан бирига боришни режалаштириб кўйган эдик. Ниҳоят, биз қутган кун ҳам келди. Курсдошлар жам бўлиб сафарга отландик.

Манзилга етиб келган, зиёратгоҳни айланашга тушиб, атрофга тарқаб кетдик. Мен ҳам хушманзара жойларни томоша қила бошладим. Айланба-айланиб зиёратгоҳнинг орқа томонига ўтиб қолибман. У ерда катта устунга кўзим тушди-ю, бироз таъбим хира бўлди. Чунки унга ҳар хил ёзувлар ёзиб ташланганди. Шу пайт ўқитувчимиз жаҳл билан икки дўстимни етаклаб келиб қолди. Маълум бўлишича, улар зиёратгоҳнинг ҳар-ҳар ерига ўз исмларини ёзиб кетишаётган экан. Устунда ҳали бўёғи қуришга улгурмаган икки дўстимнинг исмларини ҳам кўрдим. Ўқитувчимиз дарҳол «битик»ларни ўчиришни буюрди. Қани энди чизиларни осонгина кетказишнинг иложи бўлса? Шунда устозимиз уларга: «Агар ўз исминизни тош устунга ёзиб дўстлигини янада мустаҳкамлаймиз десаларинг, катта хато қиласизлар. Бу ер ҳосиятли жой, қанчадан-қанча одамлар савоб тилаб келишади. Шундай обод маскан гўзаллигига пугур етқа-

зиб, уларнинг дилини ғаш қилмайсизми?» дея даққи берди. Иккиси ҳам кўзларини ерга тикишди.

Дарҳақиқат, айрим жамоат жойлари худди реклама тахтасига ўхшаб қолмоқда. «А+А=С» каби севги ва дўстликни "тараннум" этувчи белгилар... Бу ерга қачон келингани-ю, қандай таассуротлар олинганини ифодаловчи қайдлар... Маънавияти паст, зиёратгоҳ ва тарихий обидаларнинг аҳамиятини тўлиқ англаб етмаган ёшларгина бундай ножоиз ишга қўл уриши мумкин.

Истиқлол йилларида кўплаб тарихий обидалар таъмирланди. Бунга озмунча маблағ кетмапти. Бироқ салгина эътиборсизлик сабаб инсон меҳнатига бундайдун ҳурматсизлик қилишни ҳам ачинтиради, ҳам аччиқлантиради.

Афсуски, бугун нафақат жамоат

жойлари ёки муқаддас қадамжолар, балки кўча-кўйда, аҳоли истиқомат қилаётган кўп қаватли уй деворларида ҳам ҳар хил ёзув-чизувларга кўзим тушди.

— Бир кун ишдан қайтаётсам, икки

Mulohaza

бола бино деворига берилиб сурат чизаётган экан, — дейди кўп қаватли уйларнинг бианини ифодаловчи Малоҳат Жумаева. — Бири беҳаё сурат тағига «Бу сенсан, Ҳилол», деб ёзапти. Болаларни шу заҳоти ушлаб, ота-онасига кўнғироқ қилдим. Қайтадан деворни бўяб бериб, узр сўраб кетишди. Мен эса деворнинг кўрки эмас, аксинча, болаларнинг ҳулиқ бузилганига ачиндим. Барча ўқув масканларида ёшларга шу ҳусусда тарбиявий соат ўтилиши керак, назаримда.

Сардор Жабборов, ҳайдовчи:
— Автобусга турли йўловчилар чи-

қади. Улар бир-бирларига, воқеа-ҳодисаларга, атроф-муҳитга турлича муносабатда бўладилар. Масалан, ўқувчилар ўриндиққа ёзиб кетадилар. Аслида, жамоат мулкига зиён етказилаётганини кўрган катталар бундай безори болаларга танбеҳ бериши лозим. Аммо баъзан болалар тўпланишиб нимадир қилишаётса ҳам, атрофдагилар эътибор беришмайди. Ахир, автоулов тоза ва озода турса, йўловчиларга ҳам яхши кайфият бағишлайди-ку?

Дарҳақта ўйиб кетилган «юрак», «пилус», «минус»лар жамоат жойларининг кўркини бузади, ёш авлод маънавиятига пугур етказида. Кўчада «Акбар+Санжар=дўст» деган ёзувини кўрган болакай эртага ўз дўстининг исминини ҳам деворга битмайди деб ким қафолат беради. Аслида, меҳр-оқибат, дўстлик ва муҳаббат инсон билан руҳий ақилликда намоён. Бир дўстим айтган эди: «Икки дўст қўл бериб кўришса, қучоқлашиб сўраса, кўринмас яқинлик ришталари мустаҳкамланиб бораверади». Шундай экан, бир-биримизга бўлган ҳурматимизни ҳар хил битикларда эмас, эзгу амаларимиз орқали ифода этайлик.

Ҳамида УСМОНОВА

Бугунги ёшлар ахборот технологияларидан кенг фойдаланмоқда. Мобил телефони, компьютер орқали интернетга кириб, энг сўнги янгиликлардан хабардор бўлаётти, тенгдошлари билан маълумот алмашаяпти. Албатта, ўз ўрни ва меъёрида ахборотлар билан танишиб бориш бугунги кун талаби. Аммо ўғил-қизларни ноҳос ахборотлар таъсиридан ҳимоялаш долзарб масала. Бу эса улар тарбиясига масъул бўлган ота-она, педагоглардан юксак даражадаги ахборот маданияти, замонавий технологиялардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлишни, болалардан кўра бир неча баробар кўпроқ билим ва тажрибаларни ўзлаштиришни талаб этади. Zero, ҳеч ким ўзи билмаган, тушунмаган нарсасини бошқаларга ўргата олмайди. Табиийки, уринишлари ҳам бесамар кетади.

Эътибор берган бўлсангиз, сўнги йилларда юртимизда ўқитувчи-педагогларнинг дарсларни ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида, интернет тармоғидаги ишончли манбалардан олинган охириги янгиликлар асосида ташкил этишига катта аҳамият қаратишмоқда. Бунинг учун деярли ҳар бир мактабда шароитлар, хусусан, интернетга кириш имконияти яратилган. Ўз фанининг билимдони бўлган ўқитувчилар улардан кутилганидан ҳам зиёда фойдаланиб, дарсларда самарадорликка эришиб келмоқда. Бунда нафақат техник воситалар, балки ахборот-коммуникация технологиялари асосини ташкил этувчи дастурлар, веб-саҳифалар, ишончли манбалар билан ишлай олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айтиш мумкинки, барча фойдаланувчилар интернет орқали зарур маълумотларни топишда қидирув тизимларига мурожаат қилади. Улардан тўғри ва самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш эса фойдаланувчи ишини бир неча баробар енгиллаштиради.

Илмий манбаларда қидирув тизимига қуйидагича изоҳ берилган: **интернет тармоғида ахборот қидириш ва уни каталоглаштириш тизими**. Одатда, ахборотни топишни осонлаштириш учун HTML саҳифаларни индекслашдан фойдаланилади. Қидирув дастурининг иши икки босқичдан иборат. Махсус дастур (қидирув роботи, автомати, агенти, ўргимчак) тармоқни доимий равишда кезиб юриб, веб-саҳифалардан ахборотларни йиғади ва уларни индекслайди. Фойдаланувчи буйруқ берганда қидирув аввалдан қурилган индекс орқали амалга оширилади. Қидирув натижалари сўровга тегишли ҳужжатларга (веб-саҳифаларга) гипершоралар рўйхати сифати-

да тақдим этилади. Одатда қидирув тизимларининг ишлаш механизми яратувчиларнинг тижорий сири ҳисобланишини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Аксарият қидирув тизимлари дунё интернет тармоғига жойлаштирилган веб-саҳифалардаги ахборотларни изласа, баъзилари FTP-серверлар файллари, интернет-дўконлар маҳсулотлари

«Lycos», «Excite», «Infoseek», «Inktomi», «Northern Light» ва «AltaVista» сингари қидирув тизимлари ҳам иш бошлади.

Энг кўп фойдаланиладиган қидирув тизимлари

Яқинда «Net Applications» компанияси томонидан олиб борилган изланишлар натижасида дунё миқёсида қидирув сайтларидан фойдаланиш бўйича рўйхат тузиб чиқилди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда «Google» сайти фойдаланиш жиҳатидан 70,91 фоизлик улуш билан яққол устунликка эга бўлиб турибди. Ушбу тизимдан қариб барча мамлакатлар аҳолиси ўз она тилида фойдаланиб келмоқда. Шунингдек, «Baidu» — 16,51 фоиз, «Yahoo!» — 5,95 фоиз, «Bing» — 5,48 фоиз, «AOL» — 0,27 фоиз, «Ask» — 0,23 фоиз ҳажмдаги сўров ва мурожаатларни ўз ичига қамраб олган.

ҚИДИРУВ ТИЗИМЛАРИ

улардан тўғри фойдаланишни биласизми?

ҳамда айрим турдаги янгиликларни қидиришга ихтисослашган.

Виртуал оламдаги энг дастлабки қидирув тизими сифатида «Wandex»ни айтиш жоиз. 1993 йили АҚШдаги Массачусетс университети мутахассиси Мэтью Грэм томонидан ишлаб чиқилган мазкур тизим айни пайтда фаолиятини тўхтатган. Шу йили «Aliweb» деб номланган яна бир қидирув тизими ҳам фаолиятини бошлаган. Ушбу тизимдан ҳозирга қадар фойдаланиб келинмоқда. Маълумотларни робот-дастур ёрдамида қидирувчи энг биринчи тизим эса «WebCrawler» деб номланган. 1994 йили ташкил этилган мазкур тизим бошқаларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қиларди. Масалан, у фойдаланувчиларга ҳозирга қадар қўлланиб келинган технология — ҳар қандай калит сўз ёрдамида веб-саҳифадаги маълумотларни тўлиқ ҳажмда қидириб топиш имкониятини тақдим этди. Ўзининг қулайлиги, соддалиги билан ушбу тизим жуда қисқа фурсат ичида кенг оммалашди. Тез орада

Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда қидирув тизимлари ичида яққол пешқадамлик қилиб келаётган «Google» нафақат қидирув тизими, балки браузер ва электрон почта, google+ ижтимоий тармоғи, блог ва гуруҳлар, электрон таржимон, дунё харитаси ва идоровий дастурлар пакети, бепул антивирус дастурларини ҳам тақдим этади.

Агарда www.google.com бош саҳифасига эътибор қаратилса, юқори ёки ўнг юқори бурчак қисмида бир неча бўлимлар кўзга ташланади. Жумладан, мавзуга оид суратлар, видеолар, янгилик ва маълумотларни алоҳида излаш имконияти мавжуд. Бу эса зарур маълумотларни осонгина қидириб топиш демакдир.

«Did you mean?», яъни киритилган калит сўзларга «Сиз мана бунинг назарда тутилган мидингиз?» қабилида бир қанча намуналари тақлиф қилиш технологиясининг ишлаб чиқилгани мазкур тизимнинг кенг оммалашувиغا ҳисса қўшди. Шунингдек, қидирув натижаларига қўшимча қилиб, экраннинг ўнг қисмига изланаётган атамаларнинг қисқача таснифни «Википедия» электрон нашрига ишора билан биргаликда тақдим этиш, муҳим сана, машҳур кишилар таваллудига бағишланган алоҳида табриқномаларни жойлаштириб бориш йўлга қўйилди.

«Майкрософт» компанияси томонидан тақдим этилган <http://www.bing.com/> қидирув тизими ҳам ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Дастлаб search.msn.com номи остида компания томонидан ишга туширилган тизим бир неча бор қайта номланиб, 2009 йилдан бошлаб <http://www.bing.com/> сифати-

Ахборот-коммуникация технологиялари

да фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда «Bing» энг машҳур қидирув сайтлари ичида олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. У ахборотлар ҳажмини динамик тахрирлаш, қидирув натижаларини турлича тақдим этиш, масалан, калит сўзларнинг қисқача изоҳинигина кўрсатиш каби имкониятлари мавжудлиги учун жадал оммалашмоқда.

Қидирув тизимлари ичида <http://www.yahoo.com/> ҳам энг илғорлардан саналади. Ушбу тизим жуда катта ҳажмдаги маълумотлар каталогига, кўп сонли серверлар, масалан, электрон почта, суратлар, янгиликлар, спорт, мультимедиа ва бошқа лойиҳаларни ҳам ўз ичига олади.

<http://www.ask.com/> қидирув тизими асосан савол-жавобларни излашга ихтисослашган. Шунингдек, бир

қуйидаги айрим тавсиялар эса қидирув тизимларидан самарали фойдаланишда сизга ёрдам бериши шубҳасиз. Аввало, қидирув тизимлари сизга аниқ ажратилган сўзлар жамланмасинигина тақдим эта олишини унутманг. Бунда айрим сўзлар қидирув имкониятларидан четда қолаверади. Чунки «Google» ёки «Yandex» сингари тизимларнинг қидирув алгоритми сўзларни асосан бирор қўшимчаларсиз излашга мослаштирилган. Дейлик, «XX аср ўзбек шеърий-тининг ўзига хос жиҳатлари» деган гапни қидирувга берсангиз, асосан «ўзбек», «шеърийат», «ўзига хос», «жиҳат» сингари сўзларни ҳисобга олган ҳолда излайди. Олинган натижалар ҳам шунга яраша, мазкур сўзлар иштирок этган, аммо бутунлай бошқа мавзудаги матнлар ҳам тақдим этилади. Қидирувни айни шу ҳолатда, яъни бутун бир гап тарзида амалга ошириш учун эса жумла аввалига ундов белгиси (!) қўйилиши тавсия этилади. Қидирувга берилган сўз синонимлари билан биргаликда тақдим этилиши учун калит сўз олдига қўштирноқ («») белгисини қўйиш лозим.



қатор қўшимча хизматларни ҳам тақдим этади. Айни пайтда АҚШдаги «InterActiveCorp» компаниясига тегишли ушбу тизимда ўз қидирув машинаси бўлмаса ҳам, 130 нафар муҳандис мазкур тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун меҳнат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур тизим хорижий тиллардан сабоқ берувчи педагогларга бошқа мамлакатлардаги ҳамкасблари билан савол-жавоб орқали фикр алмашушда қўл келиши шубҳасиз.

Иш қуролнинг соз бўлса...

Иш қуролнинг соз бўлса-ю, тўғри ишлашни билмасангиз, кўп куч ва вақт сарфлаб, кам натижага эришасиз. Масалан, компьютер қаршисида ўтириб, керакли мавзуга оид маълумотларни қидиришни ният қилсангиз, калит сўз, жумла ва сўровларни нотўғри киритаверсангиз, қидирув тизими экранга бир қанча ортиқча ахборотларни жамлаб ташлаши мумкин.

Санжар РУСТАМОВ,
«Ma'rifat» муҳбири



2014-yil 19-aprel, № 32 (8681)

ЎЗ-ЎЗИНИ ТИКЛОВЧИ ПОЛИМЕР ЯРАТИЛДИ

Германиядаги Карлсруэ технология институты tadqiqotchilari bir necha daqiqa ichida ўзининг аввалги механик таркибини қайта тикловчи полимер яратишди. Бунинг учун полимерни бир муддат қиздириш талаб этилади. Янги махсулотни ўз-ўзини тикловчи бўёқ ёки мустаҳкам пластик эҳтиёт қисмларда қўллаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бу каби полимерларнинг яратилиши биринчи ҳодиса эмас. Бироқ бундай махсулотни ишлаб чиқариш ўнчалик осон ҳам эмас. Бунинг учун олимлар икки хил усулдан фойдаланишмоқда. Биринчиси, полимер таркибига махсус тикланувчи модда билан тўлдирилган микрокапсулалардан иборат тўр жойлаш-

тириш. Бироқ бундай микрокапсулаларнинг вақт ўтиби емирилиши кузатилади. Иккинчи усул эса кимёвий реакция асосида ўз-ўзини тикловчи полимер яратиши назарда тулади. Бироқ бу жараён учун катализатор вазифасини ўтовчи кўп миқдордаги энергия талаб этилади.

«Advanced Materials» илмий журналида кел-

тирилишича, Кристофер Барнер-Коволлик бошчилигида институт мутахассислари учинчи усулни таклиф этишди. Улар бир-бири билан кимёвий реакция орқали ўз холига қайтувчи майда молекулалардан иборат точалардан фойдаланишди. Бунда полимерга зиён етган тақдирда ҳам қиздириш орқали унинг таркибини қайта тиклаш мумкин.

ГЛЮКОЗА ТАНҚИСЛИГИ НИЗОЛАРГА САБАБ

Агар эр-хотин ўртасида тез-тез келишмовчилик юзага келадиган бўлса, вазиятни қон таркибидаги шаклар миқдорини текшириш орқали ўзгартириш мумкин. АҚШнинг Огайо штати университети олими Бред Бушменнинг фикрича, организмда глюкоза етишмовчилиги жаҳлдорликни келтириб чиқаради. Унинг миқдори кўп бўлганда эса эр-хотиннинг турмуш қийинчиликлари, муаммоларига чидамлилиги юқори бўлиши мумкин экан.

Умуман олганда, олимлар глюкоза миқдорининг хулқ-атворга таъсирини 1960 йили илк бор ўрганиб, маълум даражада натижаларга эришган эди. 2010 йили эса Бушмен ва унинг ҳамкасблари иккинчи типдаги ди-

абет касаллигига чалинган беморларнинг хулқ-атворини тадқиқ этишди.


Тадқиқотларда иштирок этган 107 нафар эр-хотиннинг қонидаги глюкоза миқдори эрталаб ва кечкурун текширилган. Якуний хулосалар шуни кўрсатдики, глюкоза ҳақиқатдан ҳам хулқ-атворни юмшата олади.

Тадқиқот муаллифлари агар оиладаги муаммолар тинчмаса, кўпроқ ширинлик ейишни уқтиришмоқда. Айниқса, шоколад, мевалар кайфиятнинг яхшиланишига хизмат қилади.

НОНУШТА УЧУН ЗАРАРЛИ МАХСУЛОТЛАР

Эрталабчи нонушта учун фойдали бўлган махсулотлар ҳақида кўп бор эшитганмиз. Эндиликда парhezшунослар нонушта вақтида истеъмол қилинса соғлиқ учун зарарли махсулотлар рўйхатини эълон қилди.

Рўйхатнинг бошидан жой олган юмшоқ пишлоқнинг таркибида фойдали моддалар жуда кам бўлиб, аввало серёғ бўлгани учун зарарли ҳисобланади.



Тўғралган қотган нон ҳамда чипслар ҳам кимёвий қўшимча ва ёғлар ҳисобига нонушта учун тавсия этилмайди.

Кейинги ўринда чет элдан импорт қилинадиган мевалар жой олган. Яъни, бундай мевалар аксарият ҳолларда тез пишиши учун кимёвий қайта ишланади. Масалан, банан ана шундай ишлов берилгани учун фойдали бўлиш билан бирга зарарли хусусиятга ҳам эга.

Табиий йўл билан қуритилган меваларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Колбаса махсулотлари ҳам соғлиқ учун зарарли экани кўп бор исботланган. Шу боис бундай махсулотларни нафақат нонуштада, балки умуман истеъмол қилмаган маъқул. Тез тайёрланадиган бутқалар жуда қулай, аммо қайта ишланиш жараёнида улар ҳам зарарли хусусиятга эга бўлади.

Қадоқланган шарбат махсулотларига эса маълум миқдорда ранг, сув ва шакар қўшилади.

НОУТБУКЛАР УЧУН ЭНГ ИХЧАМ ТАЪМИНОТ БЛОКИ

АҚШдаги Массачусетс технологиялар институтининг аспирантлари томонидан яратилган «Дарт» электр блоки одатий тармоқли адаптерларга нисбатан тўрт маротаба ихчам ва олти баробар энгиллиги билан кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. «Kickstarter» компаниясида бўлиб ўтган тақдирот маросимида «Дарт» адаптерининг турли ранглардаги кўринишлари намойиш этилди.

Мазкур электр таъминот блоки 18-21 ва 65 ваттдан ортиқ қувватда ишлайдиган ихчам компьютерлар учун мўлжалланган. Қурилма кучланиши 90-265 ваттгача бўлган барча электр тармоқларига ула-ниши мумкин.

Янги махсулотнинг уланishi узунлиги 1,8 метрни ташкил этиб, бир вақтнинг ўзида ҳам ихчам компьютерларга, ҳам планшет ва смартфонларга энергия етказиб бера олиш имкониятига эга. Махсулотнинг оғирлиги бор-йўғи 60 грамм бўлиб, ҳажми эса тахминан 40 см³ ни ташкил этади. Бу эса айни пайтда ноутбукларини электр тизимига ноқулай адаптер орқали уловчилар учун муҳим янгилик.

Келгусида «Apple» ноутбукдан фойдаланувчилар учун «Дарт»нинг махсус турини ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Лекин бу қурилма 65 Втдан ортиқ энергия тарқатувчи «Макбук»ларга тўғри келмайди.



ТУЗ ЮРАК ХАСТАЛИГИНИ ОШИРАДИ

«The Daily Mail» нашрининг маълум қилишича, ош тузи истеъмолини камайтириш ҳисобига юрак хасталикларига чалиниш даражасини ҳам пасайтириш мумкин. Мазкур маълумот Лондон тиббиёт институтининг профессори Грег Макгрегор бошчилигидаги мутахассислар гуруҳи томонидан олиб борилган изланишларда яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Бир қатор мамлакатларда олиб борилган ижтимоий дастур ёрдамида 2003 йилдан 2011 йилгача бўлган муддат ичида аҳолининг ош тузи истеъмолини 15 фоизга камайтиришга эришилди. Натижада юрак қон томир хасталикларига чалиниш даражаси 40 фоизгача камайишига эришилди, дейилади хабарда.

Мисол учун, Буюк Британияда озиқ-овқат ишлаб чиқарувчиларнинг махсулотларга туз солганини қатъий назорат қилиши эвазига ижобий натижага эришилгани таъкидланган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, меъёридан ортиқ туз организмда турли муаммоларни, жумладан, артериал қон босимини ошириб, бош миёдаги қон томирларида тикчиланларни вужудга келтиради, шунингдек, стенокардия, инсульт ва инфарктларга сабаб бўлиши мумкин.

Отабек ОТАЁРОВ ва Нигина ХҲЖАЕВА тайёрлади.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

Жанубий Корея қирғоқларидан тахминан 100 километр узоқликда бортида 320га яқин мактаб ўқувчиси билан Чезу оролига саёҳатга йўл олган «Севол» (Sewol) йўловчи кемасининг ҳалокатга учраши оқибатида 475 нафар йўловчининг 26 нафари ҳалок бўлгани, 179 кишининг ҳаёти қутқариб қолгани ва яна 270 нафарини қидириш ишлари давом эттирилаётгани ҳақида хабарлар тарқатилган.

Бир гуруҳ қуролланган шахслар Жанубий Судандаги БМТ Миссияси базасига бостириб кирган ва у ерда яширинган 5 мингга яқин тинч аҳоли вакиллари қарата ўт очган, оқибатда 48 киши ҳалок бўлган, 60 нафари жабрланган.

Тайландда Янги йил — Сонг-ран байрамни нишонлаш пайтида ҳайдовчиларнинг маст ҳолда автомобиль бошқаргани ва тезликни белгиланган меъёрдан ошириши натижасида қарийб уч мингга йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган ва оқибатда 322 киши ҳаётдан кўз юмган, 3 минг 225 киши турли даражада тан жароҳати олган.

АҚШнинг Портленд шахри жануби-шарқда жойлашган, сигими 145 минг куб метр бўлган сув омборида 19 ёшли фуқаро томонидан уюштирилган безорилик сабаб шахарнинг 935 мингга яқин аҳолиси ичимлик суви таъминотисиз қолган, сув таркиби жиддий назоратдан ўтказилгандан сўнггина мазкур муаммо ўз ечимини топади, дея хабар беради «Washington Post» наشري.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва қасаба уюшмаси кўмитаси Хорижий филология факультети «Таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик» кафедраси профессори, филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби

Абдузукхур АБДУАЗИЗОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Табиий фанлар факультети «География ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси ўқитувчиси Нурбол Қорақуловга отаси

Майдан ҚОРАҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти раҳбарияти, қасаба уюшмаси кўмитаси, профессор-ўқитувчилари жамоаси Олий математика кафедраси профессори

Элчи ФАЙЗИБОВЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

«Ma'rifat» — «Учитель Узбекистана» газеталари жамоаси тахририят ходими Донохон Мирзажоновга онаси

Дилбар ХҲЖАЕВAning вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Гурунг

Donish chirog'i

ГЁТЕ

БҮРЧ — ШУ
КУННИНГ ТАЛАБИ

Даҳодан талаб қилинадиган биринчи ва охириги нарса, бу — ҳақиқатга муҳаббатдир.

Кимки ўзига ва бошқаларга нисбатан тўғри ва ҳалол бўлса, шундай бўлиб қолса, унда энг буюк истеъдодларнинг энг гўзал фазилати мужассамдир.

Бизнинг табииётимизга хато эмас, ҳақиқат зиддир. Сабаби, жуда оддий: ҳақиқат биздан чекланганлигимизни тан олишимиз лозимлигини талаб этади, хато эса бизга у ёки бу тарзда чекланмаган эканлигимизни кўрсатиб, ҳушомад қилади.

Девиз(шиор)лар биз эга бўлмаган, биз интилаган нарсаларга ишора қилади. Шунданми, улар ҳамиша кўз олдимизда туради.

Ўзи учун ўзи ҳаракат қилмаган ҳар қандай инсон изтироб чекади. Бошқалар учун ҳаракат қиламиз, бундан мақсад — завқ олиш.

Кексаларни болаларни асрагандек авайланглар.

Ўз бошидан кечирган воқеаларни ҳар бир одам, айниқса, ёши бир жойга етган фикр-мулоҳаза қилувчи киши қадрлайди; у буларни ундан ҳеч қим тортиб ололмастлигини ишонч ва ёқимли бир туйғу билан ҳис этади.

Ўз ҳаётимизга қайта разм соладиган бўлсак, унда, энг аввало, бой берилган, амалга ошмаган орзу-мақсадлардан иборат узук-юлуқ манзара кўз олдимизда намоён бўлади ва қилинган ишлар, эришилган муваффақиятларимизни тасаввур кучи бирдан босиб кетади.

Барча тирик мавжудотлар ўз атрофида муҳит яратди.

Давр, замон йўл қўядиган ҳатолар билан келишиш қийин кечади: уларга қарши чиқсанг, ёлғизланиб қоласан; қўшилиб десанг, унда на шараф бор, на қувонч.

Ақл билан боғлиқ барча нарсалар аллақачон ўйлаб топилган, энди эса яна бир бор ўйлаб кўриш қолган, ҳолос.

Инсон ўзини ўзи қандай билиши мумкин? Ўзига ўзи ҳеч қачон разм сололмайди, ҳаракат орқали бўлса, бошқа гап. Ўз бурчинини бажаришга уриниб кўр, қўлингдан нима иш келади, биласан-қўйсан.

Бурч нима ўзи? — Шу кўннинг талаби.

Ошнанг кимлигини айт, сенга кимлигини айтиб бераман; нима иш билан шуғулланаётганини билсам, сендан ким чиқишини ҳам айтиб бераман.

Ҳар бир киши ўз фикр юритиш тарзига эга бўлиши керак; чунки ўз йўлида ҳақиқатнинг ҳаётига ёрдам берадиган ҳақиқат ёки ҳақиқатнинг бирор кўринишига дуч келади. У энди эътиборсиз бўлмасдан, ўзини ўзи назорат қилиши керак; қуруқ яланғоч инстинкт(туғма сезги) одамга ярашмайди.

Одамлар кўп ҳолларда воситани мақсад деб билиб, ўзлари ва бошқалар ҳусусида хатога йўл қўядилар. Бунинг оқибатида эса қуруқ фаолиятдан бошқа ҳеч нимага эришиб бўлмайди ёки бўлмаса, ёқимсиз, хунук воқеалар ҳам юзага келиши мумкин.

Умумий тушулнчалар ҳамда қучли кибр-ҳаво даҳшатли бахтсизликларни содир этиш учун ҳамиша йўлда.

Ўз кучларини биладиган ва улардан меъёрида ҳамда ақл-идрок билан фойдалана оладиган мулоҳазали кишиларгина дунё ишларида муваффақиятларга эришадилар.

Катта хато шуки, одамлар баъзан ўзларига керагидан ортиқ баҳо бериб юборади, баъзида эса ўзларининг қадр-қимматини пастга уришдан ҳам тийишмайди.

Муסיқа энг яхши маънода янгиликка кам эҳтиёж сезади, у қанчалик эскиргани сайин, унга одамлар қанчалик кўйикани сайин таъсири шунчалик ўсиб бораверади.

ЖИЙДА ГУЛИ

Жийда гулининг бўйлари шунчалар кўнгилга яқинки, азизки...

Май. Ҳозир жийданинг аини гулга бурканган чоғи. Гулларининг бўйлари ҳушни олғулук.

Ўша куни анҳор соҳилида — жийда остида унсиз, узоқ ўтирдик. Пичадан сўнг сенсиз ўзим қайтишимни ўйлаб нечоғлиқ эзилсам, сен ҳам, сездимки, бу — чексиз осмон остида, бу — адоқсиз заминда қолишдан сиқилар эдинг. Чунки бир-биримизга суяниб қолгандик, биримиз кўз, биримиз қош эдик гўё.

Дунё экан. Ҳаёт дарё экан. Унинг оқимиға тўхтаб йўқ. Яша-

япмиз. Тирикликнинг минг битта ташвишини елкада кўтариб замин айланаяпти.

Сен ўз йўлингни топиб кетдинг. Мен-чи?

Бу адоқсиз йўллар бир куни мени ҳам дилларни мунаввар этгучи бир гулшанга, жийда гулининг муаттар бўйига чўлганган бир чаманга элтишига сен ҳам ишонасанми?!

Мен... Гарчи ёнимда эмассан, бироқ шу ҳаводан нафас олаётганим, шу заминда юрганим рост, шунинг ўзи бир давлат менга. Хануз кўзсан менга. Кечалари чироқ бўлиб йўлимни ёритасан,

умид маёғи янглиғ уфқларга чорлайсан.

Гоҳо сенинг ташвишингни чекаман. Сен гулдан ўзингга ҳайқас бино эдинг. Бахтингни кўз-кўзга этгуликдир. Қадамни теккан ерлар обод. Лекин боқишларинг ўша-ўша, нечун маънос кўзларингдан ҳам аримайди? Нега?

Ўзгаларни бахтли қилиб, наҳот ўзинг толедан айри бўлсанг. Ахир, ўша бахт сендан яралган-ку? Нега кўзларингга қувонч инмайди? Тақдир менинг насибамни ҳам сенга ҳаля этса агар, рози эдим.

Мени... кўябер мени.

Кўзларимдагими? Бу — соғинч, ҳолос. Дала-дашгана қолиб кетган яланғоқ болалиқни, сенинг меҳр тўла кўзларингни, жонимиздан азиз бўлган ўша — жийда гули бўйини кўмсаганимдан балки маҳзундирман...

Хиёбонда сарсари кезаман. Атиргуллар чўдек ёниб кўзга олади. Муаттар бўйлар таралади. Мен эса жийда гули атрини кўмсайман. У менинг болалигим, умрнинг қайтмас бўлиб кетган тансиқ онлари...

Узоқ бир манзилда... анҳор ёқасидаги жийдалар гулининг ҳуш бўйлари кезинади. Соҳлари парижон икки қизалоқ сувга ҳаёлчан термулади. Ҳаёлларига каманд ташлаган ўйноқи тўлқинлар болаликларини оқизиб кетаётганини ҳали улар сезишмайди.

СОЛИҲАБОНУ

Сартарош
ва габроволик

— Сизга уна суриб қўяйми?
— Бу ҳам соқол олдиришининг баҳосига қирадимми?
— Ҳа.
— Ундай бўлса менга упани ўраб бера қолинг, хотинимга олиб бораман.

Ғойиб бўлган шер

Бир савдогар габроволик расомга шернинг сурати солинган лавҳа буюрди.
— Қанақасини хоҳлайсан: шер

кига унга мол етказиб берувчи мижози меҳмон бўлиб келибди. Кечки овқатдан сўнг улар наमतга ўтириб суҳбатлаша бошлашди. Бироздан сўнг уй эгаси чироқни ўчириб қўйиб, шундай дебди:
— Бекорга керосин кетказишнинг кераги йўқ. Биз шундоғам бир-биримизни эшитиб, тушуниб ўтираверамиз.

Яна гаплашиб ўтиришибди. Меҳмон кетмоқчи бўлибди. Уй эгаси чироқни ёқмоқчи бўлибди.

— Шошмай тур! — уни тўхтатибди меҳмон. — Қоронғида ўтирганимизда бекорга ишқаланмасин, деб шимимни ечиб қўйган эдим.

БУЛҒОР ЛАТИФАЛАРИ

Оилавий суҳбат

— Пенчевга қаттиқ парҳез буюришибди.
— Бўлмаса, уни бир меҳмонга чақирайлик.

Габровоча
маслаҳат

— Менинг хизматкорим қандимдан тез-тез ўғирлаб туради, шекилли.

— Меники бўлса, ўғирлагиси келасям, бунинг уддасидан чиқолмайди.

— Нега?

— Чунки мен қанддонга доим пашша қамаб қўяман, у йўқ бўлса, қанддон очилгани маълум бўлади-қолади.

Ҳисобли дўст айрилмас

Бир габроволик дунёдан тўйиб, ўзини ўзи осди. Шу пайт хизматкори келиб қолиб, арқонни шартта қирқиб юборди.

Ойнинг охирида ҳўжайини ундан тўрт лев — арқоннинг баҳосини ушлаб қолди.

боғлаб қўйилган бўлсинми ё шундайми? — деб сўради рассом. — Шернинг боғланмагани 100 лев, боғлангани 200 лев туради.

— Боғланмаганини, — деди шоша-пиша савдогар.

Рассом лавҳани тайёрлади. Уни осиб қўйишди. Кечаси ёмғир ёғди. Савдогар эрталаб дўконини очаётиб, бўёқлар ювилиб кетиб, шер ғойиб бўлганини кўрди. У жаҳл билан рассомнинг олдига жўнади.

— Сен боғланмаган шерни хоҳладинг, мен сенга худди ўшанақасини чизиб бердим, — деб ўзини оқлади рассом. У фақат боғланган шерларинигоа мойли бўёқ билан ишларди.

Биттаси бўлади-да!

— Сенда эгизакларнинг сурати борми?

— Мана!

— Ахир, бу ерда биттаси, ҳолос-ку?

— Шу етарли. Иккинчиси ҳам худди шунинг ўзи.

Ўхшатмасдан учратмас

Нима бўлибди-ю, Габровонинг машҳур савдогари ва судхўрини-

ЛУКМОНИ
ҲАКИМНИНГ ЎҒЛИГА
НАСИҲАТЛАРИ

— Эй ўғлим, сабр ва қаноатни ҳамиша ўзингга йўлдош қил, нафсинингнинг қўйига кирма ва уни қийнаш йўлини энг улғў йўл деб ҳисобла! Топганингнига қаноат қил, кўп топишга интилма, таомдан ҳамиша қорнинг оч бўлсин, аммо ҳикматдан вужудинг тўла бўлсин. Кам ейиш ва кам ухлаш сенинг ҳақиқий севган ишинг бўлсин. Ўзингга раво кўрмаган нарсани бировга ҳам раво кўрма! Кийимларингни эса доимо озода тут!

ОВҚАТНИ АРАЛАШ
ЕГАН КИШИ

Бир табиб бир кишининг олдига борган эди. Табиб унинг икки хил қуюқ овқат еб ўтирганини кўрди ва унга деди:

— Икки хил овқатни аралаштириб ема, улар қорнинг ичида келишолмай, ўзаро жанг қилишади.

У киши қулоқ солмай еяверди. Аммо эртасига касал бўлиб қолди. Сўнг ўша табибга одам юборди. Табиб келиб унга:

— Айтмаганимдими, бу икки овқатни ема, келишолмайди деб! — дея таъна қилди табиб.

— Йўқ, гапинг нотўғри, — деди бемор, — аксинча, улар келишиб олди ва мени оёқдан қулатиш учун биргалашиб ҳаркат қилишмоқда.

(«Табобат дурдоналари» китобидан.)

2014-yil 19-aprel, № 32 (8681)

Хабарингиз бор, Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 8 февралдаги 32-сон буйруғига асосан жисмоний тарбия фанидан IV синф ўқувчиларини босқичли назорат, IX синф ўқувчиларини эса якуний давлат аттестациясидан ўтказиш белгиланган. Умумий ўрта таълим муассасалари, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларнинг битирувчилари якуний давлат аттестацияси ҳамда синфдан-синфга кўчириш босқичли имтиҳонларини амалий ва назарий қисмлар бўйича топширишади.

Имтиҳон ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида белгиланган мезон талаблари асосида ўқувчиларнинг олган билим, кўникма ва малакаларини баҳолашдир.

Мазкур буйруққа кўра, жисмоний тарбия фанидан IX синф битирувчилари учун якуний давлат аттестацияси жорий йилнинг **5—10 май** кунлари ўтказилиши белгиланган. Шу боис имтиҳонларни талаб даражасида ўтказиш мақсадида 10 кун олдин мактаб спорт майдони (зали) ва спорт анжомлари ҳамда имтиҳон учун зарур материаллар тайёр ҳолатга келтирилиши керак.

Бунинг учун мактабда имтиҳон куни, ҳайъат аъзолари, кўшимча маслаҳат дарслари ва амалий машғулотлар жадвали ташкил қилинади. Босқичли назорат ҳамда якуний давлат аттестацияси бўйича ҳайъат аъзолари таркиби жами кишидан иборат бўлиб, унга имтиҳон раиси (мактаб директори), имтиҳон қабул қилувчи (жисмоний тарбия фани ўқитувчиси), ассистент (ёрдамчи, жисмоний тарбия фани ўқитувчиси) қиради. Шу билан бирга босқичли назорат имтиҳонининг амалий қисмида тиббий ходим бўлиши шарт.

Умумий ўрта таълим мактабининг шароити ва мавжуд спорт анжомларидан келиб чиққан ҳолда босқичли назорат имтиҳонининг амалий машғулот билетларида 25 фоизгача ўзгартириш қилиш мумкин. Тиббий ёл муассасалари томонидан жисмоний тарбия машғулотларидан озод этиш тўғрисидаги маълумотномага эга бўлган ўқувчилар босқичли назорат имтиҳонидан озод этилади. Ушбу ўқувчиларнинг якуний баллари ўқув йилида (чораклар давомида) олган баҳоларидан келиб чиққан ҳолда қўйилади. Мазкур масалалар мактабнинг педагогик кенгашида кўриб чиқилиб, муҳокама этилади.

Босқичли назорат имтиҳони материаллари. Босқичли назорат имтиҳон материаллари ҳужжатлари ҳар бир синф учун алоҳида (10 талик файлда) бўлиши керак. Бунда ўқувчилар (озод этилган ўқувчилар алоҳида) рўйхати; имтиҳон билетлари 11 та (амалий машғулот билетлари ўғил ва қиз болалар учун 5 тадан, 1та назарий савол) муҳрланган конвертда бўлиши; имтиҳон далолатномаси (муҳрланган конвертлар ўқувчилар томонидан тортилиб, очилганилиги ҳусусида), баённома (ўқувчилар амалий ва назарий қисмлардан эришган меъёр натижалари ҳамда балларини қайд этиб бориш учун) бўлиши лозим.

Амалий ва назарий қисм бир кунда ўтказилиши. конвертлари эса имтиҳон куни очилиши ҳамда далолатнома, баённомалар имтиҳон жараёнида тўлдириб борилиши шарт.

Назарий қисмининг ўтказиш тартиби. Назарий қисм олдиндан тайёрлаб қўйилган синф хонасида ўтказилади. Бунда назарий қисм конверти ихтиёрий бирор ўқувчи томонидан очилади. Ҳар бир ўқувчи назарий қисм учун тайёрлаб қўйилган 30 та савол билетларидан бит-

тасини тартибда ҳамда (IV синф оғзаки, IX синф ёзма равишда) жавоб беради.

Амалий машғулотларни ўтказиш тартиби. Амалий қисмининг топшириш учун синф икки гуруҳга, яъни ўғил ва қиз болаларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳдан биттадан ўқувчи (5 та) конвертлардан бирини тартибда. Шу тартибдан конвертдаги билет бўйича ўз гуруҳ аъзолари билан кўрсатилган тартибда битрин-кетин топширади. Қолган конверт-



қага ҳаракатланиб қайтишда гимнастика матига елкалар тўлиқ тегиши лозим. 1 дақиқа давомида кўтарилиш ҳисоби натижалари баённомага ёзилади.

номага ёзилади. Яккачўп устида оёқ учидан қўллар ёнда мувозанат сақлаб юриш, оёқ учидан кўтарилиб бурилишлар, ўнг (чап) оёқларда «қалдирғоч» ҳосил қилиш, оёқларни кериб орқага силтаниш билан сакраб тушиш лозим.

Баскетбол. Имтиҳон топширувчи тўпни кўрак олдида ушлаб, саватчага 3,5 метр узоқликда туриб ташлайди. 8 уринишдан аниқ туширилган тўплар сони ҳисобга

олинади.

Волейбол. Имтиҳон топширувчи девордан 2,5 метр узоқликда туриб, икки қўлда тўпни ушлаган ҳолда, боши устидан ўтказиб деворга улоқтиради ва тўпни ерга тушириб юбормасдан қабул қилиб олиши зарур.

Қўл тўпи. Ўқувчи тўпни ерга уриб олиб юришни югуриш йўлакчаси ичида (йўлакчадан чиқиб кетмаган ҳолда) бажаради. Тўпни ерга уриб олиб юриш 15 метр масофагача бажарилиб, техникасига аҳамият қаратилади.

Футбол. Тўп билан жанглерлик қилиш жараёнида оёқнинг учи ва тиззасини ҳам ишлатиш мумкин. Тўп билан жанглерлик қилиш учун ўқувчига 3 та имконият берилади. Шундан энг яхши ҳисобга олинади ва баённомага ёзилади.

Баҳолаш. Ўқувчиларни амалий синов машғулотлари бўйича баҳолашда уларнинг кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Назарий қисм бўйича тортилган саволга берган тўғри жавоби ҳамда унга қўшимча тарзда жисмоний тарбия ва спортга доир маълумотлари ҳам баҳо-сига қўйилади. Ўқувчининг ҳар бир амалий машғулот ва назарий саволга берган жавоблари 5 баллик тизимда баҳоланади. Баллар умумлаштирилиб, ўртача баҳо чиқарилади. Масалан: $5+4+4+4+4=21:5=4,2$. Натижани ахлитлаганимизда 4 ҳосил бўлади. Демак, бундай кўрсаткичга эришган ўқувчининг баҳоси «4» бўлади.

Имтиҳон далолатномасини тўлдириш намунаси

ДАЛОЛАТНОМА

Тузилди ушбу далолатнома шу ҳақдаким, 2014 йил «__» май куни __ мактабининг «__» синф ўқувчилари томонидан босқичли назорат имтиҳон конвертлари очилди.

Бизким далолатнома тузувчилар: имтиҳон ҳайъати раиси (Ф.И.), имтиҳон олувчи ўқитувчи (Ф.И.), имтиҳон ассистенти (Ф.И.) назорати остида амалга оширилди. Синф ўқувчиларидан __ нафари иштирок этди.

Амалий:

Ўғил болалардан (Ф.И.) Билет № (имзо) қиз болалардан (Ф.И.) Билет № (имзо) тортилди.

Назарий: (Ф.И.) (имзо) томонидан очилди.

Имтиҳон ҳайъати раиси: (Ф.И.) (имзо)
 «М.О». Имтиҳон олувчи ўқитувчи: (Ф.И.) (имзо)
 Имтиҳон ассистенти: (Ф.И.) (имзо)

Баённомани тўлдириш намунаси

2014 йил __ май № __ умумий ўрта таълим мактаби
 «__» синф (Ўғил, қиз болалар) Билет № __

БАЁННОМАСИ

№	Ўқувчиларнинг Ф. И.	60 м.га югуриш	Гимнастика	Баскетбол	Турган жойдан узунликка сараш	Назарий	Умумий балл
		натижа	балл	натижа	балл	натижа	балл
1.	Алишеров Уктам	10,5	5	—	4	2	4
2.							
3.							

Имтиҳон ҳайъати раиси: (Ф.И.) (имзо)
 Имтиҳон олувчи ўқитувчи: (Ф.И.) (имзо)
 Имтиҳон ассистенти: (Ф.И.) (имзо)

«М.О». «__» 2014 йил

Фурқат НАЖИМОВ,

Халқ таълими вазирлиги Болалар спортини ривожлантириш бoshқармаси назоратчи методисти

Хурматли Гаффор ШОДМОНОВ!

Сизни кутлуг 50 ёшингиз билан муборакбод эта-миз.

Таърибали педагог, меҳридарё устоз ва раҳбар сифатида таълим-тарбия ривож ва шоғирдларингиз камоли йўлида узоқ йиллар давомида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқдасиз. Ҳамкасбларингиз ва ўқувчиларингиз сизни доимо фидойи устоз, ўз касбининг етук мутахассиси сифатида эътироф этади ва юксак қадрлайди.

Сизга сийҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий фаровонлик ва муваффақиятлар тилаймиз!

Хурмат билан Қўйи Чирчиқ агросаноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи педагогик жамоаси ва фарзандларингиз





КЎНГИЛНИ ТАРБИЯЛОВЧИ ДАРГОХ

Болалик хотираларини варақласам, қамишдан най ясаб, куй чалувчи бола тез-тез кўз ўнгимда гавдаланаверади. У шундай берилиб куй чалардики, ҳаммамиз гўё машҳур бир бастакорнинг санъатига мафтун бўлгандек хайратланиб тинглардик. Ҳатто анча пайт уни “устоз” сифатида қўриб, атрофида гирдиқапалак бўлдик. Хуллас, бизнинг чалган куйимиз негадир синик, эшитимсиз эди. Шунда у ярим чин, ярим ҳазил кўкрагига уриб деди:

— Мана бу ер тоза бўлиши керак. Шундагина бировга завқ бериш мумкин.

— Юрак билан эмас, лаб билан чалинади-ку! — дедик ҳаммамиз бирда-нига.

— Най юракдаги гапни айтади...

Орадан биров муддат ўтиб, у қаергадир кўчиб кетди. Талай вақт уни ҳаёлан қидирдик, қўмсадик. Қулогимизда эса унинг маҳзун куйларигина сақланиб қолди.

Уша пайтлардаёқ куйнинг қудратини тушунгандим. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 26-музыка ва санъат мактабини айланарканман, ўша хотиралар қайта жонланди.

...Қатор ўриндиларда ўтириб бири-бири билан қизгин бахшлаётган болалар, рубоб торларини оҳиста чертиб кўшиқ хиргойи қилаётган қиз, дархт шохларига тикилиб, мўйқalami билан қоғозни бежайотган бола... — барининг нигоҳи беғубор, тоза.

Мактаб эшигидан киришим ҳамоноқ қаршилаган директор Наира Гусейнова кулиб гапирга кетди:

— Санъат қалбни тарбиялайди. Музыка, санъатни танлаган кишининг кўнгли кенг бўлади. Уларнинг фикру зикри инсонийлик, эзгуликни тарангум этиш бўлгани боис ўй-хаёллари қалбга кўнади. Бу ерда ҳўмрайиб юрган болани уратмайси.

Бугун мазкур таълим даргоҳида 210дан ортиқ ўқувчи санъатнинг сирасорини пухта ўрганмоқда. Улар фортепиано, скрипка, рубоб, дутор, аф-

гон рубоби, гитара ва баян-акордион, хореография ва тасвирий санъат йўналишлари бўйича иқтидорларини ривожлантириб бормоқда. Ўқувчилар орасида республика ва халқаро кўрик-танловлар ғолиблари, иштирокчилари борлиги кишини қувонтиради.

Ўтган йили Боку шаҳрида ўтказилган кўрик-танловда Сония Желандинова ва Юнна Ким иқтидорли ёш ижрочи номинациясида ғолибликни қўлга киритди. Париждаги халқаро танловд классик музыка йўналишида қатнашган Рустам Аҳмедшиннинг иштироки ҳам барчада илиқ таассурот қолдирди...

— Болалигимдан тасвирий санъатга иштиёқим баланд, — дейди 4-синф ўқувчиси Комила Сағатова. — «Соғлом авлод учун» кўрик-танловда ғолиб бўлдим. Эришган муваффақиятларимизда устозларимизнинг ҳиссаси катта. Улар асар устида ишлашни кўнгил билан ўргатадилар. Соатлаб тушунтиришдан зерикимайди...


Бугунги кунда таълим масканида 34 ўқитувчи иш олиб бормоқда. Жанна Пастельняк, Ирина Буличева, Зухра Мухиддинова сингари моҳир педагоглардан таълим олаётган ўқувчилар келгусида бундан ҳам каттароқ муваффақиятларга эришишга ишонсан киши.

Олимжон ЖУМАОЕВ

“Ma'rifat” мухбири

Суратларда: Юнусобод туманидаги 26-музыка ва санъат мактабиди.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон



Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи шу йилнинг 6 мартидан 31 майга қадар «Китоб — даромад манбаи» номли янги баҳорги акция ўтказилаётганлигини маълум қилади.

Акцияда иштирок этиш учун лицей, коллеж, олий ўқув юрлари ўқувчи ва талабалари, шунингдек, барча адабиёт ихлосмандлари таклиф қилинади.

Ижодий уй томонидан акция иштирокчиларига ҳар бир сотилган китобдан 10% миқдоригача пул муқофоти берилади.

Акция давомида ўзини кўрсата олган иштирокчиларга совғалар берилади ва улар ижодий уйга савдо агенти сифатида ишга олинади.

Акцияда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин:

241-83-29, 144-41-82, (+99893) 554-38-53, (+99898) 117-75-51.

E-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz, kitobxon71@mail.ru.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур кўчаси, 86-уй.

Диққат
акция!



Ma'rifat

ТА'СИ
ЕТУВЧИЛАР:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), “Учитель Узбекистана”, Mirzakarim XUDDIYEV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib), “Учитель Узбекистана”, Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-426.
Tiraji 57909.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqzir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda

erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Nazokat XOLMETOVA.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy
12 4 5

ЎЗА якуни — 21.05
Topshirildi — 21.40